Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 13 (6. 802) ◉ 1989 йил 16 январь, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

МУНОСИБЛАРГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛМОҚДА

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводининг меҳнат коллективи конференциясида СССР халқ депутатлигига номзод кўрсатилди. Технолог С. Мольдеф дизель цехи ходимларининг топшириғига биноан қозон қурилмалари оператори Е. А. Маршалов номзодини таклиф этди.

Корхонада ўз ҳаётининг ўттиз йилдан ортиғини заводга бағишлаган бу кишини яхши биладилар. Эндиликда юқори малакали мутахассислар бўлиб етишган ўн беш нафар собиқ шогирдигина эмас, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида ёрдам берган ўнлаб ремонтчилар ҳам ундан миннатдордирлар. Сайловчилар наказини бажаришга интилган Евгений Александрович ўтган йили заводга 53 та квартира ажратилишига муваффақ бўлди.

Пўлат қуюв цехи бошлиғи Г Жданов, энергетика-кучланиш цехи слесари Я. Деркач, бошқа сўзга чиққан кишилар бу таклифни қўллаб-қувватладилар.

Конференция қатнашчилари Евгений Александрович Маршалов 597-Тошкент Ленин территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилиши учун якдиллик билан овоз бердилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ПАРТИЯ ГРУППАСИДА

Тошкент шаҳар Советининг сессиясидан аввал 13 январь куни шаҳар Совети партия группасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишни партия группа ташкилотчиси, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин олиб борди.

Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг саккизинчи сессияси

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ АСОСИДА

Шу йил 13 январь куни Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг сессияси бўлиб ўтганлиги илгари хабар қилинган эди.

Сессияни Тошкент шаҳар Советининг раиси Ш. Х. Хўжаев очди.

Совет сессиянинг кун тартибини тасдиқлади:

1. Мандат комиссиясининг доклади.

2. Ташкилий масала.

3. Йигирманчи чақириқ Тошкент шаҳар Советининг аввалги сессияларида айтилган илтимослар, таклифлар ва танқидий мулоҳазалар қандай бажарилаётгани ҳақида.

4. Миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия доимий комиссиясининг ранси тўғрисида.

5. Депутат В. Е. Теркиннинг депутатлик ваколатларини муддатидан аввал тўхтатиш ҳақида.

6. Ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Совети биринчи сессиясининг «Ўртоқ У. М. Содиқовни, Тошкент шаҳар судининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисида»ги 1985 йил 14 март қарорини қисман ўзгартириш тўғрисида.

Мандат комиссиясининг доклади юзасидан Совет ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайланган йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутатлари:

Акмал Икромов районидаги 17-сайлов округидан Ҳамидулла Ҳабибуллаевич Ғуломов.

Собир Раҳимов районидаги 322-сайлов округидан Минзакир Закарьевич Галимовнинг ваколатларини тўғри деб топди.

Сессия ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети социал-иқтисодий бўлимининг мудири этиб тасдиқланганлиги муносабати билан у Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси этиб тасдиқланди.

Х. Х. Ғуломов халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси этиб сайланди.

К. Н. Тўлаганов «Ташгорстрой» территориал-қурилиш бирлашмасининг бошлиғи қилиб тайинланганлиги муносабати билан у Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасидан озод этилди.

Р. Ҳикматуллоев Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари қилиб сайланди.

Совет депутатлардан О. Ҳ. Асқаров билан К. Н. Тўлагановни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг аъзолари этиб сайлашга, депутатлардан А. И. Фозилбеков ва К. П. Дудин бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан уларни ижроия комитет аъзоси вазифаларидан озод этишга қарор қилди.

Советнинг қарорига биноан Р. Ф. Файзуллаев Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти бирлашмасининг бошлиғи қилиб тасдиқланд

Совет А. Ҳ. Алимбоевни Тошкент шаҳар телефон тармоқлари ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи лавозимидан озод этиб, шу лавозимга В. Л. Штейнбергни тасдиқлади.

В. М. Ким Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети уй-жой бошқармасининг бошлиғи қилиб тасдиқланди.

М. И. Қосимов Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тасдиқланди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармаси тугатилганлиги муносабати билан Совет Л. А. Акбаровани шу бошқарманинг бошлиғи лавозимидан озод қилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳунар-техника таълими бошқармаси бекор қилинганлиги муносабати билан Ш. Т. Содиқов шу бошқарманинг бошлиғи лавозимидан озод этилди.

А. А. Умаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура ва шаҳарсозлик Бош бошқармаси бошлиғи лавозимидан озод қилинди.

Сессияда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари **В. Ф. Манастиретская** «Йигирманчи чақириқ шаҳар Совети депутатлари аввалги сессияларда айтган илтимослар, таклифлар ва танқидий мулоҳазаларнинг бажарилиши тўғрисида» ахборот берди.

— Кейинги вақтларда шаҳар Совети ва унинг ижроия комитети ишида, Советнинг доимий комиссиялари ва барча депутатлари ишида кўпгина ўзгаришлар рўй берди, — деб таъкидлади нотиқ. — Энг муҳими шуки, ошкоралик ва демократия доимо кенгайиб бормоқда, депутатларнинг активлиги ошмоқда. Ҳаммангиз яхшилик сари бораётган ўзгаришларни кўриб турибсизлар. Тошкент шаҳар Советининг сессиялари янгичасига ўтаётганини айтишнинг ўзи кифоя. Депутатлар муҳокамага қўйиладиган масалаларга оид тезислар билан барвақт танишиб чиқиш, уларни муҳокама қилиш ва уларни сессияда кўриб чиқишни равшанлаштиришга оид ўз позициясини ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Аввалгидек 8 —10 депутат эмас, ҳозир 50 ва ундан кўпроқ депутат ўзининг танқидий мулоҳазаларини айтиши, таклифларни киритиши мумкин. Бу эса кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан тўғри йўлни белгилаб олишга, кўпчилик депутатларнинг мулоҳазалари, таклифларига эътибор билан қарашга имконият яратмоқда. Аслида кейинги сессияларни Советнинг доимий комиссиялари тайёрлашди, бу ишга кўпгина депутатлар жалб қилинди. «Тошкент шаҳрининг 2000-йилгача мўлжалланган комплекс ер-жой программасини амалга оширишда шаҳар халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вазифалари тўғрисида», «1986 — 1990 йилларга ва 2000-йилгача мўлжалланган «Сиҳат-саломатлик» комплекс тармоқ программаси ҳақида» каби масалаларни кўриб чиқишда депутатлар алоҳида активлик кўрсатдилар. Депутатлар шу социал муаммоларни тезроқ ҳал этиш юзасидан бир талай қимматли таклифлар киритишди.

Шаҳар Советининг аввалги сессияларида депутатлар уч юзтадан кўпроқ танқидий мулоҳаза ва таклиф киритган эдилар, Шундан 220 таси ижро учун қабул қилинган эди. Шаҳар Советининг ҳар бир сессияси иши тугаганидан кейин ижроком ҳузурида махсус тузилган комиссия депутатларнинг ҳамма танқидий мулоҳазалари, илтимос ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда қилинган таҳлил асосида уларни амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилиб, бажариш муддатлари, масъул ижрочилар кўрсатилади.

Шаҳар Советининг ушбу сессиясига тайёргарлик кўриш даврида бу соҳадаги ишларнинг аҳволи таҳлил этилди. Натижада бажариш муддати 1988 йилда тугаган 110 та мулоҳаза ва таклифнинг ҳаммаси тўла ижро этилди, 1989 йилда бажариш муддати белгиланган 87 та таклифдан 50 тасининг ижроси ниҳоясига етай деб қолди, бошқа таклиф ва мулоҳазалар бажарилишига ҳали муддат бор.

Депутатлар капитал қурилиш масалалари юзасидан жуда кўп мулоҳаза ва таклиф айтишган эди (220 та мулоҳаза ва таклифнинг 100 тага яқини ёки қарийб ярмиси қурилишга оид эди). Бунинг сабаби равшан: шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари, капитал қурилиш Бош бошқармаси, Бош архитектура-планлаштириш бошқармаси ва унинг лойиҳа институтлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг план комиссияси уй-жой микрорайонларининг комплекс қурилишини таъминлашга, Тошкент шаҳар «Ташгорстрой» бирлашмасининг қурилиш ташкилотлари эса уй-жой ҳамда социал-маданий-маиший ва коммунал хўжалиги объектларини қуришнинг норматив муддатларига риоя этишга ҳали ҳам эришганлари йўқ. Шаҳар хўжалиги объектларини қуришга бундай муносабат шаҳар Совети депутатларини ташвишга солмаслиги мумкин эмас, чунки уларга ва ижроия комитетларга аҳоли шу муаммолар юзасидан саволлар билан келмоқда.

Шаҳар Советининг ижроия комитети энг муҳим муаммолар қандай ҳал этилаётганидан, бу муаммоларни ҳал этишда Советларнинг депутатлари қандай қатнашаётганликларидан, биз ҳаммамиз биргаликда наказларнинг бажарилишини қандай таъминлаётганимиздан Тошкент шаҳар депутатларини, аҳолисини батафсилроқ хабардор қиладиган бўлиб қолди. Бу иш аҳолидан келадиган хат, илтимос ва шикоятларни камайтириш имконини бермоқда. Масалан, аҳоли уй-жой олиш учун ҳисобга туриш ва унинг тақсимланиши қоидалари тўғрисида ахборот олди. Бироқ депутатларнинг квартираларни районлар ва корхоналар бўйича тақсимлашнинг тўла рўйхатини матбуотда эълон қилиш тўғрисидаги таклифини ижроком мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблайди, чунки уй-жой тақсимоти плани ҳаддан ташқари катта бўлиб, бунинг устига уй-жойларни битказиш планлари бажарилмаяпти, шунинг оқибатида биноларнинг қуриб битказилиш плани ҳақиқатда бажарилишини эътиборга олиб уй-жой тақсимоти планига тузатиш киритишга олиб боради. Чунончи, 1988 йил планига нисбатан 182 минг квадрат метр уй-жой ёки салкам 2600 та квартира кам топширилди.

Мулоҳаза ва таклифларни эътиборга олиб «Сиҳат-саломатлик» комплекс тармоқ программасига қўшимчалар киритилди ва унинг айрим бўлимлари равшанлаштирилди, тегишли равишда қўшимча ишлаб чиқилгандан кейин бу программа Тошкент шаҳар Советининг еттинчи сессиясида депутатлар томонидан маъқулланди. «Сиҳат-саломатлик» программасида поликлиникалар ва профилактика муассасалари қурилишига алоҳида ўрин берилган. 1989 йилнинг бир ўзида ҳар сменада жами 2500 беморни қабул қиладиган мана шундай объектларни қуриш планлаштирилган.

Шаҳар Совети депутатларининг мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларини физкультура-соғломлаштириш объектлари ва бассейнлар билан комплекс тарзда лойиҳалаш ва қуриш зарурлиги тўғрисидаги таклифлари эътиборга олинди.

Уй-жой программасининг бажарилишини жадаллаштириш мақсадида депутатлар уй-жойни хўжалик усулида қуриш ҳажмларини кўпайтиришни таклиф қилган эдилар, бу таклиф замон руҳига мос келади. Ижроия комитет 350 минг квадрат метр ҳажмидаги уй-жойни хўжалик усулида қуриш учун корхона ва ташкилотларга ер участкалари ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Депутатларнинг уй-жой қуриш кооперативлари ҳисобига уй-жойларни ишга туширишни кўпайтириш тўғрисидаги таклифлари ҳам эътиборга олинди. 1989 йил планида уй-жой қуриш кооперативлари йўли билан жами саҳни 350 минг квадрат метр, яъни 1988 йилда эришилган даражадан 1,8 баравар кўп уй-жойни ишга туширишни кўзда тутилди.

Бултур Киров районида ёлғиз пенсионерлар ва қариялар учун интернат-уй қуришга киришилди, бу уй 1990 йилда ишга туширилиши керак. Ўн учинчи беш йилликда шаҳарнинг бошқа районларида ҳам мана шундай объектлар қурилади. Ҳозир тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисминнинг янги корпусини планга қўшимча тарзда 1989 йилги қурилиш планига киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилмоқда. бу масалани депутатлар комбинат ходимларининг илтимосларига кўра бир неча бор кўтарган бўлсалар ҳам, аммо илгари ижобий ҳал этилмаган эди.

Депутат В. И. Будилин ижрокомга мурожаат этиб, Тошкент трактор заводига 1990 йилгача улуш қўшиб иштирок этиш ҳисобидан 313 та квартира ажратишни илтимос қилган эди. Депутат В. А. Мамадалиев ҳам сессияда агрегат заводидан мана шундай масалани қўйган эди. Бу масала ижрокомда ва унинг бўлинмаларида кўриб чиқилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети билан трактор заводи шу заводга квартира ажратиш хусусида ўзаро ҳисоб-китоб протоколини туздилар, шу протоколда 1986 йилда қўшилган улуш маблағи ҳисобидан корхонага 1989 йилда 127 та квартира ва 1987-1988 йилларда қўшилган улуш ҳисобидан 1990 йилда 146 та квартира ажратиш кўзда тутилди. Агрегат заводига эса улуш қўшиб қатнашиш ҳисобидан 1987 йилда 13 та квартира ажратилди, 1986 йилги улуш ҳисобидан эса 1990 йилда 17 та квартира ажратилади.

«Ташсельмаш» заводининг ходимлари номидан депутат Т. П. Рудика коллектив учун корхона яқинидан уй-жой ажратишни илтимос қилган эди. Шу илтимосга биноан заводнинг 1986—1989 йилларда қўшган улуши ҳисобидан бу йил «Ташсельмаш» заводи массивидаги 140 квартирали уй-жой биноси берилади.

1989 йил планида Ҳамид Олимжон номли майдонда интернационалчи-жангчилар учун қурилаётган уйдан 37 та квартира ажратиш кўзда тутилган. Мана шуларнинг ҳаммаси, бизнинг назаримизда, социал адолат принципларига мос бўлиб тушади.

Депутатларнинг «Ташметрострой» меҳнат коллективи ходимларига гўшт маҳсулотлари сотилишига оид танқидий мулоҳазаларига биноан тегишли чоралар кўрилди, бу ҳақда депутат Э. М. Обидов илтимос қилган эди. Ўтган йили коллектив лозим бўлганидан кўра бир мунча кўпроқ, яъни 136 тоннадан ортиқ гўшт маҳсулотлари олди.

Депутат Г. А. Гавачаева ва бошқалар Дўстлик уй-жой массивида, «Спутник» массивининг 16-кварталида, «Қўйлиқ» массивининг 5 ва 6-микрорайонларида ҳамда бошқа баъзи жойларда савдо корхоналари етишмаётганлигини, мавжуд савдо шохобчасида эса маҳсулотларнинг турлари камлигини ҳақли равишда кўрсатиб ўтган эдилар. Шаҳарнинг кўпгина микрорайонларини комплекс тарзда қуриш ҳали ниҳоясига етмаганини ижроком депутатларга маълум қилган эди. Ҳозир мазкур муаммони ҳал этиш навбати белгиланди, 250 мингга яқин аҳоли яшаб турган Юнусободдек катта уй-жой массивини қуриш комплекслилиги бултур асосан тугалланди. Қорақамиш, Қорасув, Қўйлиқ, Луначарский шоссесининг жанубий томони ва шу каби бошқа массивлар навбатда турибди. Масалан, «Спутник» массивида бу йил савдо маркази қурила бошланади.

Депутат В. Я. Бевз Шолохов кўчаси ёнида смета қиймати 2,5 миллион сўм турадиган жамоат савдо маркази қурилишини жадаллаштиришни илтимос қилган эди. Бу объектни 1990 йилда қуриб битказиш планлаштирилмоқда. Модомики, район объектнинг қуриб битказилишидан манфаатдор экан, район ижроия комитетининг раиси қурувчиларга ёрдам берса, ҳамма масалаларни ўз вақтида ҳал этса бўлмайдими, ахир. Ҳозир халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига катта ҳуқуқлар бериб қўйилган, келинглар, шу ҳуқуқлардан шаҳар ва районларга наф келтирадиган тарзда фойдаланайлик.

Депутат С. М. Шокиров инженерлик коммуникацияларини ўтказиш қоидаларига қатъиқ риоя этиш учун хўжалик раҳбарларининг масъулиятини ва уларга нисбатан талабчанликни оширишни таклиф қилган эди. Бу соҳадаги назоратни кучайтириш ва шу ишни такомиллаштириш учун шаҳарнинг ободончилик объектлари ҳолатини назорат қиладиган хўжалик ҳисобидаги бошқарма тузилди.

Депутат В. А. Исмоиловнинг илтимосига биноан Грузовой кўчасининг Фарҳод кўчасидан бошланиб, Б. Хмельницкий кўчасигача бўлган участкасидаги йўлни қуриб битказиш чоралари кўрилди, бу участкада пассажир ва юк транспорти қатнай бошлади, шу туфайли Шота Руставели кўчаси юк автотранспортидан бир мунча бўшатилди.

Депутатлардан В. В. Воҳидов, А. В. Хегай ва бошқаларнинг таклифларига кўра, аҳолига медицина хизматини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Депутатларнинг шаҳар Совети аввалги сессияларида айтган бошқа кўпгина таклифлари ва танқидий мулоҳазалари ҳам амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, — деди, В. Ф. Манастиретская, — қилинган ишларни танқидий баҳолаб, айрим хўжалик раҳбарларининг интизомсизлиги, ижроком раисининг баъзи ўринбосарлари ва секретари томонидан назоратнинг йўқлиги, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ташкилий - инструкторлик бўлимининг пассивлиги оқибатида депутатлар айтган ва ижро этиш муддатлари ўтиб кетган 16 та таклиф ҳамда танқидий мулоҳаза ҳамон бажарилмай ётибди. Бу такклиф ва мулоҳазаларнинг кўпчилиги капитал қурилишга тааллуқлидир.

1982 йилдан буён Халқлар дўстлиги майдонида овқатланиш комбинати қурилмоқда. Унинг пудратчиси — 11-«Висотстрой» трестидир. Шу ишга ажратилган маблағдан ўтган йили атиги 22 проценти ўзлаштирилди, холос. Чамаси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг план комиссияси (Қ. А. Солиҳов), Тошкент шаҳар «Ташгорстрой» бирлашмаси (К. Н. Тўлаганов) бу масалани қўшимча равишда кўриб чиқиб, вужудга келган аҳволни ўнглаб олиш, бинони қуриб битказиш ва ишга тушириш иложини топишлари зарур.

Октябрь районидаги тим бозор қурилишида ҳам аҳвол мана шундай. Мазкур объект ҳатто 1989 йил планига ҳам киритилмаган. Шаҳар план комиссияси тегишли министрликлар ва идораларнинг қўшадиган улушидан фойдаланиб, бу объектни қуриб битказишни пул билан таъминлаш масаласини ҳал этиши керак.

Бешёғоч микрорайонида болалар боғчаси қуриш масаласини шаҳар план комиссияси билан капитал қурилиш Бош бошқармаси (М. Н. Абдуллаев) узоқ вақтгача ҳал этмай келдилар. Бу объект аввал-бошда 1986 йил планига киритилган эди, бироқ объект қуриладиган майдончадаги кўпгина иморатларни бузиш зарур бўлганлиги сабабли қурилиш бошланмай қолган эди. Ҳозир бу объект 1989 йил планига киритилди, у келгуси йилда ишга туширилади.

Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитети билан шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига биноан 1986 йил августида 1986 — 1990 йиллардаги уй-жой қурилиши плани тасдиқланиб, вазифалар беш йиллик йиллари ва шаҳар районлари бўйича алоҳида-алоҳида белгилаб қўйилган эди. Шу планга мувофиқ ўн иккинчи беш йилликда Октябрь районида жами саҳни қарийб бир ярим миллион квадрат метр уй-жой қуриб битказилиши лозим эди. 1986 — 1988 йилларда эса 250 минг квадрат метрдан сал кўпроқ уй-жой қурилди, беш йилликнинг қолган икки йили ичида 1 миллион 200 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жойни қуриб битказиш таъминланиши лозим. Аммо бу — реал эмас, Беш йиллик мобайнида 570 минг квадрат метр уй-жойни қуриб битказиш реал ишдир. Аммо районда аҳолининг уй-жой билан таъминланиши энг паст даражада турибди (1987 йилги ҳисоботга кўра умуман шаҳарда яшовчи ҳар бир киши ҳисобига жами саҳни 13,3 квадрат метр уй-жой тўғри келса, Октябрь районида 10,7 квадрат метр уй-жой тўғри келади, ёки шаҳардаги 9 ўрнига Октябрь районида 7 квадрат метр уй-жой тўғри келади). Шаҳар Советининг депутатлари райондаги ишларнинг бу аҳволидан ташвишланмоқдалар. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг план комиссияси, капитал қурилиш Бош бошқармаси, архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси Октябрь район ижроия комитети (Ҳ. М. Усмонова), Тошкент шаҳар «Ташгорстрой» бирлашмаси билан биргаликда бир ой давомида Тошкент районларидаги уй-жой қурилиши ҳажмларини таҳлил этиб чиқишлари ва тасдиқланган беш йиллик планга тегишли тузатишларни киритишлари, Октябрь, Собир Раҳимов, Сергели районларида ва шаҳарнинг бошқа районларида уй-жой қурилишига алоҳида эътибор беришлари зарур.

Депутатлар соғлиқни сақлаш объектларидаги ремонт ишлари ҳажмлари материал-техника ресурслари билан қониқарсиз таъминланаётганлиги тўғрисидаги масалани кўтариб чиққан эдилар. Бу масала жуда тўғри қўйилган ва уни ҳал этиш лозим. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг план комиссияси, ижроком раисининг ўринбосари Қ. М. Рафиқов йилнинг бошиданоқ материал-техника таъминоти масалаларини Ўзбекистон ССР Госснаби моддий-техника таъминоти Тошкент Бош бошқармаси (Ш. Х. Фаттоҳов) билан биргаликда ҳал этишлари керак. Планлаштирилган иш ҳажмлари лойиҳа ва сметаларга мувофиқ ҳолбуки, бу йўлларнинг қурилиши ва тегишли фондлари билан мустаҳкамланиши лозим. Бу масала тўла-тўкис ҳал этилмагунча ижроком уни доимо назорат қилиб туради.

Янги барпо этилаётган уй-жой массивларида йўллар қуриш мавжуд йўл қопламаларининг техникавий ҳолатини тегишли тарзда сақлаш каби муаммо ҳам тўла-тўкис ҳал этилмаяпти, ҳолбуки, йўлларнинг қурилиши ва тегишли тарзда сақланиши аҳолига қулайлик яратибгина қолмай, транспорт хизматини яхшилашга ҳам кўмаклашади.

Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси, шаҳар план комиссияси, ободонлаштириш Бош бошқармаси, капитал қурилиш Бош бошқармаси шаҳарнинг иқтисодий ва социал ривожланиши планларида йўллар ва йўлкаларни ривожлантиришга капитал маблағ, материал ресурслари ажратишни кўзда тутишлари, шу мақсадлар учун маблағ планлаштиришда қолдиқ принципи деб аталган сарқитга барҳам беришлари лозим.

Тошкент шаҳар Советининг тўртинчи сессиясида депутатлар ҳақли равишда таъкидлаб ўтганларидек, ҳозир шаҳарда ёшлар уй-жой комплексларининг 8 та ташкилот комитети рўйхатга олинган бўлса ҳам, аммо бундай комплексларни қуриш ишлари ҳали бошлангани йўқ. Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси ёшларнинг уй-жой комплексларини қуриш учун ер ажратиш ва уй-жой билан комплекс тарзда қурилиши лозим бўлган объектлар мажмуасини белгилаб бериш масалаларини ҳал этишни чўзиб юборди. Мазкур масалани ҳал этишни жадаллаштириш — қўшимча уй-жой қурилишини билдиради, бу уй-жойни ишга тушириш КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифани — 2000-йил охиригача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш вазифасини ҳал этишга кўмаклашади.

Собиқ «Главташкентстрой» ўз ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш масалаларини сут ҳал этаётганини айтиб ўтмоқ керак, бу эса Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилиши ҳажмларини оширишга ҳозирнинг ўзидаёқ тўсқинлик қилмоқда, ҳолбуки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «1986 —1990 йилларда Тошкент шаҳрида шаҳар хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги маълум қарорига биноан 1990 йилда йилига камида 1,7 миллион квадрат метр уй-жой қуриш даражасига чиқиб олиш кўзда тутилган. Ўртага қўйилган вазифани бажариш учун вақт кам қолди, шунинг учун ҳам қурилишларнинг ўз базаси объектларидаги ишлар суръатини жадаллаштириш лозим.

Белгиланган ҳамма режаларни муваффақиятлироқ бажариш учун шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг ишини активлаштириш лозим. Ҳозир ҳаммамиздан тафаккурни қайта қуриш, хўжалик юритишнинг янги формаларини мукаммал эгаллаб олиш ва Тошкент шаҳрининг комплекс социал-иқтисодий ривожланиши учун бутун масъулиятни зиммага олиш талаб қилинади.

Масалани муҳокама қилишда 21-сайлов округидан депутат, республика рус тили ва адабиёти педагогика институти кафедрасининг мудири **В. Е. Островская**, 394-сайлов округидан депутат В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари **И. Г. Волков**, 192-сайлов округидан депутат, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари **Н. И. Медведева**, 62-сайлов округидан депутат, «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **А. Ғ. Ғуломмаҳмудов** қатнашдилар.

Сессияда Тошкент шаҳар Советининг миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия доимий комиссияси раиси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. 242-сайлов округидан депутат О. Ҳ. Асқаров Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг аъзоси этиб сайланганлиги муносабати билан шу комиссиянинг раиси вазифасидан озод қилинди.

«СССРда халқ депутатларининг статуси тўғрисида»ги СССР Қонунининг 10-моддасига мувофиқ Совет 398-сайлов округидан депутат В. Е. Теркиннинг шахсий аризасига мувофиқ унинг депутатлик ваколатларини муддатидан аввал тўхтатишга қарор қилди.

Ўзбекистон ССР Юстиция министрлигининг 1988 йил 26 октябрь хатига ҳамда Тошкент шаҳар Совети социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш доимий комиссиясининг раиси Б. И. Пинхасовнинг 1988 йил 15 ноябрь хулосасига мувофиқ Совет ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Совети биринчи сессиясининг «Ўртоқ У. М. Содиқовни Тошкент шаҳар судининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисида»ги 1985 йил 14 март қарорига қисман ўзгартириш киритишга қарор қилди. «Тошкент шаҳар прокуратурасининг терговчиси бўлиб ишлаган даврда йўл қўйган хатолари учун...» сўзлари ўрнига «ўз ҳоҳишига мувофиқ...» деган сўзлар ёзилсин.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин нутқ сўзлади.

Шу билан Тошкент шаҳар Советининг сессияси ўз ишини тугаллади.

ҒУЛОМОВ
Ҳамидулла Ҳабибуллаевич,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

1939 йили Тошкентда туғилди. Ўзбек. 1964 йилдан КПСС аъзоси. 1961 йили Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтини тугаллаган, ихтисослиги бўйича инженер-механик.

Меҳнат фаолиятини 1961 йили техник-технологликдан бошлади. 1967 йилдан 1976 йилга қадар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлади, бу ерда у цех бошлиғи ўринбосарлигидан ишлаб чиқариш бошлиғи даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. 1976 йилдан 1982 йилгача «Союзмашхлопководство» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқариш бўйича бошлиқ ўринбосари, бирлашма бошлиғининг биринчи ўринбосари, ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери бўлиб ишлади. 1982 йилдан 1987 йилгача «Ташсельмаш» заводининг директори бўлди. 1987 йилдан 1988 йилгача «Главмашхлопков о д с т в о» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи, 1988 йилдан эса унинг бош директори бўлиб ишлади.

ҲИКМАТУЛЛОЕВ
Рўзи,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

1946 йили Тожикистон ССРнинг Ленинобод областидаги Панжикент районида туғилди. Тожик. 1970 йилдан КПСС аъзоси. 1973 йили Тошкент халқ хўжалиги институтини экономика ва моддий-техника таъминотини планлаштириш ихтисослиги бўйича тугаллади.

Армия хизматидан сўнг 1968 йилдан бошлаб «Главташкентстрой»нинг 153-қурилиш трестида ишчи, комплекс бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлади. 1973 йилдан 1978 йилгача 153-қурилиш трести бирлашган қурилиш комитети раисининг ўринбосари, раиси вазифаларида ишлади. 1978 йилдан 1980 йилгача 2-уйсозлик комбинатининг бош диспетчери бўлди. 1980 йилдан 1984 йилгача 2-уйсозлик комбинати партия комитетининг секретари бўлиб ишлади. 1984 — 1985 йилларда Киров район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари бўлди. 1985 йилдан халқ депутатлари Киров район Совети ижроия комитетининг раиси вазифасида ишлади.

Райком ва қайта қуриш

Партиявийлик—фаолиятимиз мезони

Акмал Икромов район партия ташкилотининг IV ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтганига ҳам бир ярим ой бўлди. Хўш, ана шу қисқа муддат ичида район коммунистлари ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлди? Мухбиримиз Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари **Т. ҲАЙДАРОВ** билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Бу саволга дафъатан тўлиқ ва аниқ жавоб бериш қийин. Чунки конференциядан сўнг орадан ўтган бир ярим ойни биров «аллақачон», бошқа бир киши эса «эндигина» деб айтиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам агарда вақт нуқтаи назаридан қарасангиз бу муддат бир зумда, кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди деб айтиш мумкин. Қилинган ва ҳали қилиниши керак бўлган ишлар нуқтаи назаридан қарасангиз эса аксинча. Демоқчиманки, катта бир ишни тугатиб, янгисини бошлаш, айниқса бу йўлда дастлабки қадамни ташлаш анчайин мураккаб бўлади. Шундай бўлса-да, бир нарсани — назаримда энг асосий ютуғимиз шу — алоҳида таъкидлашни истардим: коммунистларнинг ўзларига, одамларнинг эса уларга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида қайта қуриш узил-кесил ғалаба қилишининг энг асосий омилидир.

Биргина мисол: шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси автобазаси партия ташкилотининг секретари В. И. Смазилкинни олиб кўрайлик. Бу киши партиявий ишларим кўп, деб бевосита хизмат вазифаси бўлган ишлар билан шуғулланишни йиғиштириб қўйган. Айни пайтда партия ишларига ҳам худди шундай муносабатда бўлгани етмаганидек, хизмат автомашинасидан шахсий ишларини битириб олишда фойдаланган. Бу айрим кишиларга қўл келган, партбюро аъзолари эса томошабиндек қараб тураверишган. Натижада бу ерда ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши номигагина ўтган, ҳатто В. И. Смазилкинни иккинчи муддатга ҳам сайлашган. Бу ҳол коллективнинг оддий аъзоларини ғазабга келтирган ва улар райкомга мурожаат қилишган. Фақат райком аралашувидан кейингина адолат қарор топди.

— Тўйчи Ҳайдарович, Сиз «Бир ишни тугатиб, янгисини бошлаш қийин», дедингиз. Янги вазифа деганда нимани назарда тутяпсиз?

— Аслини олганда, партия олдида доимо битта бош вазифа бўлган: ватанпарвар, доимо ва фақат ҳаққат, халқ манфаати учун курашадиган чинакам инсонни тарбиялаш. Бу жуда масъулиятли вазифа. Негаки ҳозир вазият ҳам бутунлай ўзгарди: олдингидек гапингиз тугар-тугамас гулдурос қарсак чалишлар йўқ. Ҳамма гапингизни диққат билан эшитишади, мулоҳаза қилишади. «Райком гапирдими — тўғри» деб ёппасига қўл кўтармай, ҳар бир сўзингиз устида баҳслашишга тайёр туришибди. Демоқчиманки, одамлар гўё уйқудан уйғонгандек бўлишди. Бундай шароитда биз ҳам ҳали ишлаб ўрганмаганмиз. Давр талаби, идеологик муҳит янгича. Шунинг учун ҳам мен «эски» вазифамизни янги деб айтдим.

— Бу вазифани бажариш учун нима қилмоқчисизлар?

— Авваламбор, райкомнинг барча секретарлари ва масъул ходимлари ўзларининг иш тартибларини ўзгартиришди. Раҳбарларни, бошланғич партия ташкилотлари секретарларини чақириш чекланди, кўпгина масалаларни ўша жойнинг ўзида изчил, бевосита иш жараёнида ҳал этиш йўлга қўйилди. Қисқаси, иш вақтидан унумли фойдаланишга, кўпроқ одамлар орасида ишлашга ва бўлишга интиляпмиз. Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи бизни кундалик фаолиятимизни таҳлил этишга мажбур қиляпти.

Биз олиб бораётган ва олиб борадиган ғоявий ва ташкилий-партиявий ишларимизнинг мезони — пировард натижа бўлмоғи лозим. Ҳамма жойда ва ҳамма соҳада амалга оширилаётган ишларни идеологик жиҳатдан таъминлай ва ташкил эта билишимиз лозим. Ҳар бир партия ходими, коммунистнинг биринчи галдаги асосий вазифаси ана шу.

Уни бажариш учун восита ва тажрибамиз, усул ва услубларимиз етарли. Жумладан, турар жойларда ўтказилаётган «Маҳалла куни», «Мен яшайдиган район», кўча ва кварталлар байрами каби тадбирлар идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларнинг таъсирчан воситаси сифатида ўзини оқлади. Шунингдек, йигитларни Совет Армияси safига кузатиш, паспорт топшириш, никоҳ маросимларини тантанали ўтказиш, оммавий сайллар, «Очиқ хатлар куни» ҳам аҳоли томонидан қизғин кутиб олинди.

Бироқ ҳамма ишларимиз яхши, жойида дейишга ҳали эрта. Негаки, партия ғоявий-сиёсий ишининг муҳим воситаларидан бири бўлган сиёсий ва иқтисодий ўқувга заргарлик заводида, 18-автопаркда, тез медицина ёрдамининг махсус автобазасида, 62 ва 78-ўрта мактабларда бошланғич партия ташкилотлари етарли эътибор беришмаяпти. Қурилиш ва транспорт ташкилотларида, «Средазгазавтоматика» заводида, 4, 14, 74, 124-ўрта мактабларда, 3 ва 8-поликлиникаларда, Усмон Юсупов номли маданият уйида лекция пропагандасига, 109 ва 117-мактабларда атеистик тарбияга, «Чевар» тикувчилик ва «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида эса ягона сиёсий кунларни ўтказишга панжа орасидан қарашмоқда. Ваҳоланки, ана шу санаб ўтилган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳаммасига коммунистлар бошчилик қилишади. Агарда районимиз аҳолисининг кўпмиллатли эканлигини ҳам эътиборга оладиган бўлсак ғоявий-сиёсий тарбиянинг нақадар актуаллиги янада яққолроқ намоён бўлади. Шундай экан, қани улардаги КПСС аъзосига хос бўлган принципиаллик, коммунистик идеалларга бўлган садоқат?

— Ҳозир Сиз «Районимиз аҳолиси кўпмиллатли», дедингиз. Маълумки, КПСС Марказий Комитети 1989 йилда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича Пленум ўтказишга қарор қилганди. Шу муносабат билан ўз фикрларингизни ўртоқлашсангиз.

— Биз мамлакатимизни «Кўпмиллатли, ҳур республикаларнинг бузилмас Иттифоқи» дея атаймиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Мен коммунист сифатида ҳам, граждани сифатида ҳам, ўзбек сифатида ҳам Иттифоқимизнинг, дўстлигимизнинг бузилмас эканлигига шубҳа қилмайман.

Мамлакатимизнинг турли регионларида бўлаётган воқеалар миллатлараро муносабатлар масаласи ҳамон ўткир бўлиб турганлигини кўрсатмоқда. КПСС Марказий Комитетининг шу масала юзасидан махсус Пленум ўтказиши ҳам бунга тасдиқлаб турибди.

Энди районимиз тўғрисида икки оғиз. Район территориясида яшовчи аҳолининг 60 процентдан кўпроғи маҳаллий миллат вакиллари бўлиб, улар асосан шахсий уйларида истиқомат қилишади. Бошқа миллат вакиллари эса асосан районнинг Чилонзор қисмида яшашади. Улар ўртасидаги амалий мулоқотнинг деярли йўқлиги учун ҳам икки тиллилик ривожланмаяпти. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони педагогик кадрларнинг бўшлигидир. Айниқса, рус мактабларида ўзбек тилини ўқитиш қониқарсиз аҳволда. Шунинг учун ҳам биз ҳозир район ижроия комитети билан биргаликда маданият уйларида ўзбек ва рус тилларини чуқур ўргатувчи курслар очиш масаласини кўряпмиз. Ўйлайманки тез орада буни ҳал этамиз. Айни пайтда Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигидаги мутасадди раҳбарлар педагогик кадрлар тайёрлашни яхшилаш программасини ишлаб чиқса, рус мактабларида ўқитиладиган ўзбек тили ва адабиёти дарслигини замон талаблари даражасига кўтарса, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари программасини қайта тузса ва бошқа миллат болаларига ҳам ўзбек тилида бошланғич таълим беришни йўлга қўйиш тўғрисида ўйлаб кўрса бўлардилар.

— Икки тиллилик тўғрисида гапирдингиз. Шу ҳақда батафсилроқ тўхталсангиз.

— Мен рус ва ўзбек тилларини иккала, шунингдек, бошқа миллат вакиллари ҳам мукаммал билишлари учун ҳамма ишни қилиш керак деб ҳисоблайман. Агар тарихимизга назар ташласангиз ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз ҳам шундай яшашган. Жумладан, ўзбек тили ва адабиётининг асосчиси Алишер Навоий ҳам турк (эски ўзбек), ҳам форс тилида сўзлаган, ижод қилган. Унинг устози Абдураҳмон Жомий эса тожик тили ва адабиётининг асосчиси эди. Бошқа классикларимизнинг ҳаёти билан қизиққан кишилар худди шундай фактларга дуч келадилар. Уларнинг кўпчилиги ҳатто араб тилини ҳам билишган. Умуман, агар эътибор берган бўлсангиз таниқли олимлар, ёзувчилар, шоирлар, давлат арбоблари ўз она тилларидан ташқари яна бир ёки бир неча тилни билишган. Ўйлайманки бу бежиз эмас, чунки бошқа тилни билиш кишини маънавий бойитади, ғоявий чиниқтиради. Ўз тилини севган одам авваламбор ўз миллатининг маданиятини, урф-одатларини, тарихини билиши, уларга чуқур ҳурмат ва эътиқод билан муносабатда бўлиши лозим.

Шу ўринда сиз айтган «турли доиралар», аниқроғи, уларга бўлган муносабат хусусида тўхтаб ўтмоқчи эдим. Кейинги пайтда демократия, ошкоралик ниқоби остида турли-туман уюшмалар, бирлашмалар, иттифоқлар пайдо бўла бошлади. «Гражданлар ташаббуси — қайта қуришга» (ГТҚҚ), «Наврўз», «Демократик иттифоқ бирлашмаси» ана шулар жумласидандир. Бу норасмий гуруҳлар, жумладан республика рус тили ва адабиёти педагогика институти ўқитувчилари В. Ф. Енгаличев, Б. Р. Маллаев ва қатор студентлар аъзо бўлган ГТҚҚ қандай «ташкилот?». Афсуски, уни на яхши, на ёмон дея оламиз. Чунки биз улар билан шуғулланмаяпмиз, улар ўзларини қайси томондан кўрсатаркинлар деб кутиб ўтирибмиз. Қачонгача кутамиз? Токи бирор хатога йўл қўйиб, кўпчиликнинг бошига ташвиш келтиргунларичами? Фикримча, норасмий гуруҳларга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Улар билан жиддий, асосли равишда шуғулланиш, план ва программаларини чуқур ўрганишимиз лозим. Улар ҳақида ошкора гапиришимиз ва ошкора ёзишимиз, кимнинг қандай эканлигини халққа билдиришимиз зарур. Сукут сақлаш, яширишга уриниш билан эса уларга бўлган қизиқишни орттирамиз холос. Акс ҳолда назоратдан чиқиб кетишгандан сўнг пушаймон қилишнинг ва уларни қоралашнинг фойдаси йўқ. Уларнинг куч-ғайратларини партия, умумхалқ манфаати йўлига буриш ҳар бир коммунистнинг партиявий бурчидир.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.

— Сизга ҳам раҳмат.

Суҳбатни Фарруҳ РАҲИМОВ олиб борди.

Дўст билан обод уйинг

Шу кунларда мактабга кетаётган кўплаб ўқувчиларнинг кўкракларида доира шаклидаги қоғозга оқ кабутар тасвири туширилган белгилар пайдо бўлди. Бу болалар интернационал-дўстлик клубининг аъзоларидир...

Красноярск шаҳри кабутарлар макони, десам муболаға бўлмайди. Қайси бир хиёбонга кирманг, қушлар атрофингизга гала-гала бўлиб учиб келишади. Одамга шундай ўрганиб қолишганки, ҳатто қўлингиздан озуқа ейишади. Мен Тошкент кўчалари, Москва, Ленинград, Душанба ва бошқа шаҳарларда бўлганимда осмонда чарх ураётган кабутарларни кўп кузатганман. Камалакдек сержило қанотлар тўлқин каби мавжланганда гўзаллик ва нафисликдан борлиқни унутасиз гўё. Қалбингизни бир зумда бахтиёрлик туйғулари эгаллаб олади.

Кабутарлар — тинчлик элчиси, дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Улар тинчлик барқарор, миллат ва элатлар оға-инилардек яшаётган диёрдагина эркин қанот қоқишади.

Ўзани Қоржонтов тоғ тизмасидан бошланувчи Келес дарёси маълум чегарагача республикамиз ва қардош Қозоғистон ерларини туташтириб туради. Бир йили баҳор серёмғир келгани ва сув тошиб, кўприкни оқизиб кетгани ёдимда. «Тошкент—Сариёғоч» маршрути бўйлаб қатнаётган автобуслар қўшни томонга ўтолмай қолди. Одамлар дарёнинг сал юқорисидаги дамба орқали пиёда кела бошладилар. Эрта тонгдан йўловчиларнинг кети узилмас эди. Кимдир нариги қирғоққа туғишгани ёки биродари ёнига, бошқа биров эса бу томонга ишга шошади. Хуллас, кўприк бузилгани билан дўстлик ипи узилмади. Бу икки халқ бир-бирига қанчалик боғланиб қолганини ўшанда ҳис қилган эдим.

Айни пайтда кўплаб қозоғистонлик бирodарлар шаҳримиздаги «Миконд», 10-автомобиль ремонти заводи ва бошқа корхоналарда меҳнат қилишаяпти.

— Қозоғистон республикасидан келадиган ишчи-хизматчиларни ташиш учун иккита махсус автобус ажратилган,— деди ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси касаба союз комитетининг раиси О. Усмонова. — Биз ҳеч қачон уларни ажратмаймиз, қулайлик ва имтиёзлардан баравар фойдаланишяпти. Умуман, коллективдаги рус, ўзбек, қозоқ, немис, уйғур, яҳудий ва бошқа миллатлар бир-бирлари билан иноқ.

Бағри кенг Иттифоқимизда барча миллат ва элатлар тенг ҳуқуқли, ягона оиладек яшашади. Кунига кўча-кўйда ёки иш юзасидан кўплаб миллат вакиллари билан мулоқотда бўламиз. Орамизда доимо бирлик, ҳамкорлик, умумманфаати учун интилиш сезилиб туради. Интернационал дўстлигимиз билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

— Ўзбек халқининг фазилатлари азалдан маълум,— деди А. Икромов районидаги Абдулла Қодирий номли маҳалла комитетининг раиси Н. Раҳматуллаев. —Айниқса меҳмон учун боримизни аямаймиз. Бир татар оиласига жой керак бўлиб қолганда отам меҳмонхонани бўшатиб бергани эслаб тураман. Миллат ажратиш бизнинг халққа ёт нарса. Меҳнат коллективларида демократия ва ошкоралик чуқурлашиб боргани сари миллатлараро муаммолар юзага чиқаяпти. Партия ва совет ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари бу борадаги вазиятни соғломлаштириш учун бор куч-ғайратларини ишлатмоқдалар. Шаҳардаги барча районларда кадрлар сиёсати аҳолининг кўпмиллатли составини ҳисобга олиб ўтказилгани XXVI Тошкент шаҳар партия конференциясида таъкидланди. Шаҳар Совети ижроия комитети ҳузурида миллатлараро муносабатлар доимий комиссияси тузилди.

Армия safида ўз бурчимни ўтаган пайтда бир ҳақиқатни билганман. Хизматга Кавказдан борган йигитлар ҳамиамиздан ҳам аҳил эдилар. Эгнига энди ҳарбий форма кийган солдат «Кавказданман» деса хоҳ грузин, арман, озарбайжон бўлсин, унинг атрофини ўраб олиб, худди туғилганидек ҳол-аҳвол сўрашарди. Уларнинг ҳавас қилса арзигулик дўстлигига нега кўз тегди?».

Зилзила туфайли арман халқининг бошига оғир кулфат тушди. Юракларни ғам ва қайғу ўртаётган бир пайтда яна Қорабоғ мавзусининг кўтарилиши кўпчилигни ташвишга солди. Асрлар мобайнида бирга яшаётган бу икки халқ бир-бирига қарindош, устоз-шогирд. Ўзимизнинг республикадан қиёс. Маҳаллий миллат ишлари билан оила қурган руслар, татарлар, қозоқлар, тожиклар, арманлар кам эмас. Шу оилаларни ажратиб, фарзандларни бўзлатиб бўладими, ахир?!

Тошкентдаги темирйўлчилар ксалхонасининг «Назарбек» филиалида врач бўлиб ишлаётган Галина Никитична Дьякова қуйидагиларни гапирди:

— Мен Тошкентда туғилганман. «Бешқайрағоч» маҳалласида улғайдим, ўқидим. 1966 йил зилзила бўлганда оиламиз билан Қрим ёки Симферополь шаҳрига кетиш имконияти бор эди. Умр йўлдоши Женя: «Халқ бошига мусибат тушганда номард одамгина ташлаб кетади», деб жўн тўғри айтди. 55 йилдан ортиқ шу жойда яшаётганимиз учун ўзбек урф-одатлари турмушимизга сингиб кетган. Оиламиз билан паловни ёқтирамиз. Масалан, ўзимга ўзбек рақслари жуда ёқади. Москвада ўғлим Анатолийникида бир қанча вақт бўлдим. Серқуёш Ўзбекистон ўз бағрига чорлайвергач яна қайтиб келдим. Она шаҳрим Тошкентдан кетиб бошқа юртда яшаш тасаввур ҳам қилолмайман.

Биз шу пайтгача бир тан, бир жон бўлиб яшаб келдик. Келажакда ҳам муносабатларимиз шундайлигича қолишига имоним комил.

Яна бир гап. Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтида жаҳон коммунистик ҳаракатини акс эттирадиган музей бор. Бу ерга қўйилган кўргазмаларни студентлар ва мактаб ўқувчилари қизиқиб томоша қилмоқдалар. Ўқув юртида интернационал дўстлик клуби ҳам ишлаб гурибди. Шаҳардаги корхона ва муассасаларда ҳам шунга ўхшаш музей-клублар ташкил этилиб, халқлар дўстлигини мустаҳамловчи тадбирлар кўпроқ ўтказилса мақсадга мувофиқ бўларди...

С. ШОДИЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Абадий қардошимиз

Тошкент—Арманистонга

ҚАЛБ АМРИ

Арман халқининг бошига тушган мусибатни бир дақиқа ҳам унутаётганимиз йўқ. Маҳалламиз аҳли қардошларимизда бўлаётган ўзгаришларни телевидение ёки матбуот орқали билиб, ёрдам қўлини чўзишяпти.

Яқинда маҳалла комитетининг раиси Зоир Шамсиев ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Исажон Қодировлар ветеранлар Советининг қарорига кўра 700412-счётга 500 сўм ва болалар фондига 270 сўм миқдорида пул ўтказдилар. Тошкент зилзиласини бошидан кечириб, даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган ҳар бир киши якдиллик билан ёрдам беришга шайдир.

С. ҒИЁСОВ,
А. Икромов районидаги М. Горький номли маҳалла комитети ветеранлар советининг раиси.

ҲИММАТ

АРМАНИСТОНДА рўй берган кучли зилзила анча офат келтирди. Қардош арман халқи шу кунларда оғир кунларни бошидан кечиряпти. Не-не ажойиб кишиларидан жудо бўлди. Уларнинг дарди бизнинг дардимиз. Буюк мамлакатимиз Арманистонга ёрдам бериш, вайрон бўлган районларни тиклаш доди билан яшамоқда.

— Дўстларимизга ёрдам бериш мақсадида бучимиз, — деди Акмал Икромов районидаги «Бешқайрағоч» маҳалла комитетининг секретари Адҳам ака Қодиров. – Миллионлаб ватандошларимиз, чет эллик гражданлар Арманистон дардига малҳам бўлишяпти. Бизнинг маҳалла аолиси ҳам 700412-счётига 1700 сўм пул ўтказди.

М. АКАМОВА.

Республика янгиликлари

МАШИНИСТЛАР УЧУН... КОКТЕЙЛЬ

Бухоро—1 депосининг локомотив бригадалари йўлга чиқиш олдидан анъанавий медицина текширувидан ўтдилар ва... кислород коктейли истеъмол қилдилар. Тўрт қаватли янги бинога кўчиб кирган депо шифокорлари уларга ана шундай қулайлик яратиб беришди.

Темирйўлчилар кенг ва ёруғ хоналарда шифокорлардан малакали маслаҳатлар олишлари, даволанишлари мумкин. Бу соғлиқни сақлаш пункти энг янги диагностика ускуналари билан жиҳозланган, бино қаватларининг бирида касалхона жойлашди.

— Бир неча йилдирки, белоруссиялик ҳамкасбларимиз методи асосида ишлаяпмиз,— дейди депо бошлиғи Т. Тошев. — Янги иқтисодий системага ўтганимиздан кейинги кўраётган нафимиз сезиларли бўлмоқда: мунтазам равишда фойда олмоқдамиз, маошимиз кўпаймоқда. Шу билан бирга темирйўлчиларнинг иши ҳам кўпайди. Шу боис меҳнат коллективи кенгаши биздан янги медицина корпуси қуришни талаб қилди.

Темирйўлчиларнинг оила аъзолари ҳам соғлиқни сақлаш пунктида врачлардан маслаҳатлар олишади, даволанишади. Даволаш физкультураси билан шуғулланиладиган зал, турли спорт анжомлари ҳам улар ихтиёрига бериб қўйилган.

ЯНГИ МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ

«Навоиазот» бирлашмаси дарвозахонаси яқинида маиший хизмат кўрсатиш уйи очилди. Унинг қурилиши ўн иккинчи беш йилликда коллектив социал-иқтисодий ривожланиш планида назарда тутилган эди.

Бетон ва шишадан бунёд этилган кўп қаватли бинода кийим тикадиган, пойабзал, соатлар, рўзғор техникаси устахоналари, химчистка, сартарошхона, почта, уй-жой-социал банки бўлими, авиа ва темир йўл билетларини олдиндан сотадиган кассалар жойлашган.

Бирлашмада ишлайдиганларнинг кўпчилиги аёллардир. Улар учун маиший хизмат кўрсатиш уйида косметика хонаси очилган.

(ЎзТАГ мухбирлари).

Тошкент тўқимачилик комбинатининг моҳир йигирувчиси Валентина Васильевна Эргашева 2-фабриканинг пешқадамларидан. У йигирувчилик касби сир-асрорларини мукаммал эгаллаган. Илғор йигирувчининг маҳорат ва тажрибаси унинг кенгайтирилган хизмат хонасида ишлашига имкон яратяпти. БД—200—М69 маркали пневмойигирув машиналарини бошқараётган Валентина Васильевна тармоқ нормасидаги 740 ўрнига 1000 — 1200 тадан камерага хизмат кўрсатяпти. У ўзи аъзо бўлган коллектив — Қобилжон Ҳасанов бригадасининг умумий кўрсаткичларига муносиб ҳисса қўшиб, смена топшириқларини 105—107 процентга адо этяпти.

Валентина Эргашева ишлаб чиқариш илғори бўлибгина қолмай, ёшларнинг севимли мураббийси ҳамдир. Бугунги кунда ўз касбининг илк сабоқларини ундан ўрганган ёш йигирувчилар устозларига тенглашиб меҳнат қилишга ҳаракат қиляптилар. Валентина Васильевна фабриканинг актив жамоатчиларидан ҳамдир. Унинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида делегат бўлиб қатнашганлиги ҳам коммунистларнинг юксак ишончидан далолат бериб турибди.

В. МАДИМАРОВА.
А. Тўраев фотоси.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

БУДАПЕШТ. Венгрия Халқ Республикаси давлат мажлисининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. Депутатлар гражданларнинг бирлашмалар, уюшмалар тузиш, митинглар ва йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқи тўғрисидаги қонун лойиҳалари юзасидан овоз берадилар, парламентнинг иш тартибини ўзгартиришга оид таклифларни, бошқа масалаларни кўриб чиқадилар.

ПЕКИН. Бу йил Хитойдаги ҳукумат органларини ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий куч-ғайратлар маҳаллий ҳукуматларни қайта ташкил этишга қаратилади. 1989 йилда вилоят ҳукуматлари ислоҳ қилина бошлайди ва уезд, шаҳар ҳамда бўлис даражасида 1990—1991 йилларда давом эттирилади. Кадрлар иши масалалари юзасидан бу ерда ўтказилган умумхитой ишчи кенгашида шу гап айтилди.

Ҳукумат органларини ислоҳ қилиш мамлакатда ўтказилаётган чуқур социал-иқтисодий ва сиёсий ўзгартишларнинг муҳим таркибий қисмидир, деб таъкидлайди шу муносабат билан хитой матбуоти. Бу ишда ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки конкрет қадамлар қўйилди. ХХР Давлат кенгашининг структураси муваффақиятли равишда ислоҳ қилинмоқда. Жумладан, министрликлардаги бўлимлар сони 20 процент қисқартирилди.

Умумхитой касаба союзлари федерациясининг вакиллари ХХРнинг 17 шаҳрида икки юз мингдан кўпроқ ишчи ва хизматчи орасида социологик тадқиқот ўтказиб, Хитойдаги давлат корхоналарининг ходимлари унчалик хафсала билан ишламаяптилар, деган хулосага келдилар. Саволларга жавоб қайтарган кишиларнинг атиги 12 фоизи, уларнинг фикрича, ўз иш жойларида тузукроқ меҳнат қилмоқда.

Умумхитой касаба союзлари федерацияси экономика, техника ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг мудири Ли Юньан тадқиқот натижаларини таҳлил этиб, кўп кишиларнинг лоқайдлигига социал-иқтисодий омиллар — моллар қимматлашиб бораётганлиги, тақсимот соҳасида социал адолат йўқлиги сабаб бўлаётганини таъкидлаб ўтди.

ПРАГА. Бу ерда Чехословакия Коммунистик партияси билан ЧССР миллий фронти ЧССР Янги конституциясини ишлаб чиқадиган комиссиясининг биринчи мажлиси очилди. Комиссия раиси ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари Милош Якеш комиссия ишининг принциплари ва унинг асосий вазифалари ҳақида гапирди. Янги конституция давлатнинг социалистик тузилиши ўзгармаслигини тасдиқлайди, гражданларнинг жамиятдаги ҳуқуқий мавқеини кучайтиради, Чехословакия федерациясини янада оқилона ривожлантиришга кўмаклашади, деб таъкидлади у.

Комиссия ишида ЧССРдаги барча сиёсий партияларнинг, жамоат ташкилотларининг етакчи арбоблари, меҳнат коллективларининг, ёшларнинг, черковнинг намояндалари, олимлар қатнашмоқдалар.

(ТАСС).

КАЛЕЙДОСКОП

ФАМИЛИЯЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИ

ГФРда истиқомат қилувчи М. Роден фамилияларни коллекция қилиш билан қизиқади. Ҳар куни у қўлига қайчи олиб, газета ва журналларни, реклама ва эълонларни кўздан кечиради, ўзига маъқул бўлган фамилияларни қирқиб олади. Унинг коллекциясида тематик белгилари бўйича сараланган олти мингдан зиёд фамилиялар бор. Коллекция бўлимларидан бирига эгасининг касбига мутлақо қарама-қарши фамилиялар жамланган. Масалан қўйбоқарнинг Бўриев, ўғрининг Прокуроров каби фамилиялари шулар жумласидандир.

КУҲНА ТЕНГҲУҚУҚЛИЛИК

Қоҳирада одатдан ташқари виставка намойиш этилди. У ўтмиш ҳужжатлари ва археологик топилдиқлар асосида қадимги Мисрдаги хотин-қизларнинг роли ҳақида ҳикоя қилди. Жумладан, анъанавий машғулотлари билан банд бўлган: далада меҳнат қилаётган, болаларни парвариш қилаётган, рўзғор юмушлари билан шуғулланаётган хотин-қизларни тасвирловчи талайгина ҳайкалтарошлик ва мўйқалам асарлари намойиш этилди. Кўргазма шунингдек бошқа нарса ҳақида ҳам ҳикоя қилиб берди. Ҳужжатларнинг далолат беришига қараганда, хотин-қизлар ўша пайтларда эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиб, ўз эрлари қатори обрў-эътиборга эга экан.

ҒАРОИИБ МЕҲМОНХОНА

Германия Федератив Республикасининг Франкфурт-на-Майне шаҳрида одатдан ташқари меҳмонхона очилди. Унга фақат тўрт оёқли дўстлари кузатувидаги меҳмонлар қўйилади. Итлар учун бу ерда махсус таомлар тайёрланадиган алоҳида ресторан бор.

Яқинда Хельсинки порти территориясида одатдаги ташқари воқеа рўй берди. Атроф-муҳит ҳимоячилари «Гринпис» халқаро ташкилотининг аъзолари Финляндияга Исландидан келтирилган ва ичида кит гўшти бўлган контейнерларни ўзларини занжирлар билан кишанлаб ташладилар. Шунда сўнг «Гринпис» фаоллари: Исландия китларни йиртқичлача қираяпти, ушбу гўшт мамлакатда амал қилаётган қонунларга хилоф равишда, яширинча Финляндияга келтирилган, деб маълум қилдилар.

Фин маъмурлари «экологлар» талабини адолатлидеб топди. Қабул қилинган қарорга мувофиқ контейнерларқайтадан рефрижераторларга ортилиб, Исландияга жўнатилди.

СУРАТДА: кит гўшти солинган контейнерларга занжирлар билан кишанланган «Гринпис» фаоллари. Контейнерларда «Исландияда ясалган» деган тамға кўзга ташланади.

Прессфото — ТАССфотоси.

Инқилобнинг оташин фарзанди



Ҳамзанинг 100 йиллиги олдидан

Яшангиз, ишчи-деҳқонлар!

АШУЛА

Яшангиз, ишчи-деҳқонлар, жаҳон ичра!
Бўлмасин золимлар бизнинг замон ичра!
Бузамиз эски турмушни, ҳурофотни,
бидъатни.
Тузамиз янги турмушни замон ичра,
Абадий сўнгра яшармиз жаҳон ичра.
Бизники дунё, ишчилар, ўқиб олсак,
Кечирган кунларни ўйлаб, кула олсак,
Сурамиз буткул зулматни, жаҳолатни,
ғафлатни.
Тузамиз янги турмушни замон ичра,
Абадий сўнгра яшармиз жаҳон ичра.
Биз ўқиб бу кун чиқарсак саводимиз,
Етишар ўзликдан ҳар бир муродимиз.
Битирамиз, сўнг дунёдан асоратни,
кулфатни.
Тузамиз янги турмушни замон ичра,
Абадий сўнгра яшармиз жаҳон ичра.
Биз агар ишчи, деҳқон ҳам қизил аскар
Биргалашсак, фирқамиз бўлиб раҳбар,
Тўкамиз тутдек дунёдан шаҳаншоҳлик,
сарватни.
Тузамиз янги турмушни замон ичра,
Абадий сўнгра яшармиз жаҳон ичра.

Ҳамза Ҳакимзода НИЁЗИЙ

Ишчилар, уйғон!

Неча асрлар ухладинг ётиб,
Кумушдек танинг балчиққа ботиб.
Бир парча куйган қора нон учун
Ёшлик чоғингдан ўз кучинг сотиб.
Ишчилар, уйғон, уйғон, ўйғон!
Сенга ишлашга етишди замон.
Тошбағирлар-ла ҳор эди бошинг,
Асар этмайин қонли кўз ёшинг,
Умрингда асло янги киймайин,
Тўйдирмас эди топганда ошинг.
Ишчилар уйғон, уйғон, уйғон!
Сенга ўқишга етишди замон.
Зулмлар сени қоплаган эди,
Қуллик занжирин боғлаган эди.
Лекин табиат, бу ярқираган,
Янги турмушни чоғлаган эди.
Ишчилар, уйғон, уйғон, уйғон!
Сенга ишлашга етишди замон.
Битди золимлар, қолди ирода,
Эркин яшагин сен ҳам дунёда,
Ҳеч бўлмас энди қайғу ва кулфат,
Сени синмас энди бошингда хода.
Ишчилар, уйғон, уйғон, уйғон!
Сенга ўқишга етишди замон.

Мўътабар дастхатлар

Ҳамза Ҳакимзоданинг Қўлёзмалар институти фондида сақланаётган архиви, ундаги қимматли ҳужжатлар — шоирнинг ижтимоий-ижодий фаолияти ҳақида кенг, айни замонда янги маълумотлар бера олиши билан муҳим аҳамият касб этади. Архив 1958 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг қарори билан Алишер Навоий номидаги адабиёт музейига топширилган эди. Ҳамза архивида 2894 ҳужжат сақланиб, уларнинг умумий ҳажми 3627 варақдан иборат. Бу ҳужжатлар тавсиф қилиниб, ижодкорнинг юз йиллик таваллуди муносабати билан нашрга тайёрланяпти.

Айрим ҳужжатлар ҳозирда институт қошидаги адабиёт музейининг янгидан ташкил этилган ва кўплаб материаллар билан бойитилган «Ҳамза» экспозициясида томошабинларга намойиш этилмоқда. Сир эмаски, бу ердаги ноёб ҳужжатлар Ҳамзанинг ўз қўли билан ёзилган асарлардир.

Шоир дастхатлари адабиёт ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Айни пайтда ижодкорга бўлган меҳр-муҳаббатни оширмоқда. Мўътабар экспонатга айланган шоир дастхатлари, алоҳида варақаларга битилган қуйидаги бешта: «Кутилмаган умид» («Мирзачўлга саёҳат») очерки, «Тасаддуқ», «Бир кун», «Хароба жужуқлари», «Муҳтарама оналарима хитоб» шеърларининг қўлёзмасидир. Шеърлар араб алифбосидаги эски ўзбек ёзувида битилган. Улар оқ ва сарғиш қоғозларга қора, бинафша ҳамда сиёҳ рангларда чиройли қилиб ёзилган.

Экспозициядан жой олган Ҳамзанинг «Бир кун» сарлавҳали шеъри енгил вазнда ёзилган. Шеърда севган юрагнинг дард-аламлари ўз аксини топган. Унда йигит ва қиз учрашуви ҳамда уларнинг айтишуви орқали ижтимоий ҳаёт, реал турмуш ҳодисалари тасвирланади. Ўтмишда бойнинг қизи билан камбағал йигит бирга турмуш қуриши мумкин эмаслиги, камбағал йигитнинг ўша шароитда ўз мурод-мақсадига етишиши қийин эканлиги ифодаланади. Йигит:

Ногоҳ илиндим ул
махлиқога,
Арзимни айтдим ул
бебаҳога...

— деса, қиз:

Деди кулиб ул: овора
бўлма,
Беҳуда йиғлаб дил пора
бўлма!
Қайтгил йўлингга, кўп
зора бўлма,
Лойиқ эмасман сендек
гадога,—

деб жавоб беради. Йигит эса яна қандай бўлмасин висолга етишиш йўлини сўрайди. Унга жавобан қиз:

Деди: етарнинг йўқдир
иложи,
Хоки роҳимда шоҳларнинг
тожи.
Юз минг гуҳарни етмас
хирожи,
Бир пора мўйим қўйсам
баҳога.

Мазмун ва бадиий пухта бу шеърда ўз замонидаги илғор кишининг ҳаётга қараши, социал тенгсизликка бўлган нафрати ёрқин акс этган...

Музей экспозициясида Ҳамзанинг драматурглик фаолиятини кўрсатувчи бир нечта афишалар ҳам намойиш этилмоқда. Бу афишаларни Ҳамза ўз қўли билан безаган, чизган ва матнини ёзган. Ҳамзанинг драматурглик ва театр соҳасидаги фаолияти, пьесаларининг саҳнавий тарихи ҳақида маълумот олиш учун бизгача етиб келган бу афишаларнинг аҳамияти жуда ҳам катта. Шундай афишалардан бири «Бой ила хизматчи» драмасининг 1919 йилда саҳнада кўрсатилиши ҳақида бўлиб, у томошабинлар диққатини жалб қилмоқда.

Ушбу афишанинг биз учун энг қимматли томони шундаки, унда «Бой ила хизматчи»нинг ҳар бир пардасидаги воқеалар мазмуни қисқача баён этилган. Маълумки, «Бой ила хизматчи» драмаси ўз вақтида нашр этилмаган. Драманинг қўлёзма нусхалари театрдан театрга ўтиб юрган. Бизгача етиб келган нусхаси эса, драманинг кўчирма нусхаларидан биридир. Пьесанинг асл нусхаси ҳозирча топилмаган. «Бой ила хизматчи»нинг нашр этилиб келинаётган ва театр саҳналарида ўйналаётган нусхаси, 1939 йилда Ҳамза юбилейини ўтказиш комиссияси топшириғига биноан, драматург Комил Яшин томонидан тикланган нусхасидир. Комил Яшин «Бой ила хизматчи»нинг матнини тиклашда мавжуд кўчирма нусхасидан, ўша вақтларда асарни саҳнага қўйишда қатнашган ва асосий ролларни ижро этган артистларнинг хотираларидан фойдаланиш билан бирга, асосан ишончли манба сифатида ана шу мўътабар ҳужжат-афишада берилган маълумотларга суянган.

Ҳамзанинг инқилоб йилларидаги драматурглик фаолиятини кўрсатувчи, йиллар ўтиши билан сарғайиб кетган яна бир афиша экспозициядаги деворда осиғлик турибди. Бу «Фарғона фожиаси» номли тўртинчи бўлимнинг 1919 йил 26 сентябрда Тошкент шаҳрининг Колизей биноси (ҳозирги Свердлов номли концерт зали)да қўйилиши ҳақида чиқарилган махсус афишадир. Ҳамза 1918-1920 йилларда «Фарғона фожиаси» номида тўрт қисмли («Мазлум қурбонлари», «Иффат қурбонлари», «Маъсум қурбонлари», «Мақоми шуҳадо») трагедия яратди. Бу асар Ҳамза бошчилигидаги «Улка мусулмон сиёсий драмтруппаси» томонидан Фарғона, Тошкент саҳналарида, Закаспий ва Фарғона фронтларида кўрсатилган. Асл қўлёзмаси бизгача етиб келмаган бу асарнинг мазмунини ҳам, томошабин диққатига ҳавола этилаётган афишадан билиб оламиз.

Биз юқорида оташқалб ижодкор, халқимизнинг мард фарзанди — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга тегишли учта мўътабар дастхат мисолида қисқача тўхталдик, холос. Институт фонди ва музей экспозициясида ижодкорга таллуқли бўлган кўплаб қизиқарли ҳужжатлар борки, улар ҳақида узоқ ҳикоя қилиш мумкин.

Баҳодир ВАЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти директорининг ўринбосари.

Шоирнинг уй-музейида

Қўқон қадимий шаҳар. Унда тарихий обидалар, диққатга сазовор жойлар талайгина. Лекин бир уй борки, ўни билмаган қўқонлик йўқ десак муболаға бўлмас. Бу — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг уй-музейи...

Уй-музей 1959 йили ташкил этилган. Ҳозир у ерда қурилиш, таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Сўнгги ўн йил ичида шоир уй-музейида олти-етти илмий ходим ишлаб кетди. Утган йили эса Маҳмуджон Валихонов ишни қабул қилиб олди. У ҳам директор, ҳам илмий ходим, ҳам экскурсовод — музейнинг жами ташвиши борки, гарданида. Лекин бир ўзимман демасдан, ҳамма ишга улгуришга ҳаракат қилади, Ҳамзага оид материал ва хотираларни тўплашдан чарчамайди. Айтишларига қараганда шоир ҳовлисидаги кекса шотут ўша даврда ҳам бўлган экан. Илмий ходим уни ҳам алоҳида назорат остига олган.

— Қурилиш ишлари олиб боришдан мақсад уй-музейни Ҳамза яшаган даврга мослаштириш, — деди Маҳмуджон ака.—Уни шахсан таниганлар билан суҳбатлашиб, турли ҳужжатларни ўрганиб, илмий справка тайёрладик. Шу асосда шаҳар архитекторлари янги лойиҳа чизишди. Лойиҳага мувофиқ хоналар пардози, уйнинг томини ёпиш эскича бўлади. Хоналар, ҳужралар аслида қандай жойлашган бўлса, ўшандай тикланади. Мақсад, бу ерга ташриф буюрган ҳар одамнинг тасаввурида Ҳамза яшаган давр аниқ жонлансин.

Маҳмуджон ака тўлқинланиб гапирди. Берилиб эшитасиз. Ўзингиз сезмаган ҳолда ўтмишни ўйлаб кетасиз. Китобларда ўқиганларингиз, киноларда кўрганларингиз кўз олдингизга келади. Қўқоннинг етмиш-саксон йил илгари тор кўчаларини хаёлан кезиб чиқасиз, Ҳамза бўлган жойларни ўзингизча чамалайсиз, кўчама-кўча «кезиб» яна шу ҳовлига қайтасиз. Шоир ота-онаси, жигарлари билан энг масъуд дамларни шу ҳовлида ўтказган. Уни ўз уйида тинч яшашига, ижод қилишига қўймадилар. Лекин шоир чекинмади, ўлимдан қўрқмади. Қирқ йиллик умри давомида қандай яшашни, қандай курашишни ўргатиб кетди.

Ҳовли чеккасидаги кекса шотут кўп воқеанинг гувоҳи. Сўрасангиз кўрган-кечирганларини гапириб беради, фақат унсизгина ўз тилида ҳикоя қилади. Балки уни Ҳамзанинг отаси эккандир, балки ўзи. Болалигида ўйнатиб, елкасида кўтаргандир. Оила аъзолари кун иссиғида ҳориб-чарчашганида унинг соясида ўтириб дам олишгандир. У кўп воқеани ҳикоя қилади. Дарахт ҳам гапиради, ҳам йиғлайди. Фақат уни тинглай билиш, ноласига қулоқ тута билиш даркор. Шотут ҳам бир тарих, архивда сақланмайдиган ҳужжат. Хаёлимни Маҳмуджон аканинг овози бўлади:

—Реставрациянинг боришидан умуман қониққаним йўқ. Бир қарасангиз материал етишмайди, бир қарасангиз қурувчиларни бошқа объектларга олиб кетишади. Гоҳида қўл учида қилинаётган ишларни кўриб бўғилиб кетаман. Айримлар шу ишни битириб берсам бас, дейишади. Ҳамза хотирасига муносабат, бинонинг аҳамияти билан ишлари бўлмайди. Ахир бу жой музей сифатида абадий қолишини унутмайлик-да!

— Энди манавини кўринг, — деди қад кўтараётган иморатга ишора қилиб. — Ҳали айтгандим: мақсад хоналарни оташин инқилобчи яшаган даврга мослаштириш деб. Очиғи, бунёдкорлар билан безакчиларда масъулият етишмаяпти. Уларга фарқи йўқ, нима қуришяпти: уйми ё бошқа нарсами?

«ЯШАРМИЗ ЖАҲОН ИЧРА!»

Ўқувчилик йилларимдаёқ насиб этиб йўлим Фарғона томонларга тушса, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўтган жойларни албатта зиёрат этаман деб ният қилгандим. Ниҳоят дилимга тугиб юрган орзумга етдим. Оташин инқилобчи, истеъдодли шоир, моҳир бастакор, фидойи муаллим туғилган шаҳарга, қадами теккан тоғу-тошларга бордим. Қабрини зиёрат қилдим.

Уй-музейни юбилейгача очиш мўлжалланган. Ҳовлига Ҳамзанинг ёшлик даврини акс эттирувчи ҳайкал ўрнатилади. Икки ёнидаги девор эскича услубда қад кўтаради.

Узр, меҳмон, суҳбатни шундан бошлаб юбордим. Бир бўлгандан кейин кўнгилдагидек бўлсин деркансиз, куюнар экансиз. Юз йиллик юбилейни нишонлашимизга оз вақт қолди. Шоир хотираси ҳаммамиз учун муқаддас. Ҳаммамиз бирдек куюнишимиз, гапиришдан, талаб қилишдан чарчамаслигимиз даркор. Ана ўшанда иш бўлади.

Шоҳимардонда

Еттинчи синфда ўқирдим. Бир куни синфга мактаб директорининг ўринбосари кирди. У киши синф раҳбаримиз ҳам эди.

— Ўтиринглар, — деди биз билан саломлашгач. — Кечаги маслаҳатимиз амалга ошадиган бўлди. Келгуси ҳафта Ҳамза номидаги театрга борамиз. «Бой ила хизматчи»...

Синфдошлар хурсандчиликдан қийқириб, чапак чалиб юборишди.

— Шошманглар, — тинчлантирди Ғулом ака. — Яна бир гап. Тўртинчи чорак тугаб, имтиҳонларни топшириб бўлгач, бутун синф Шоҳимардонга борамиз.

Синфхона яна хурсандчиликка тўлди. Директор ўринбосари айтганини қиладиган, бир сўзли одам. Қувонмай бўладими? Лекин ўша йили бизга Шоҳимардонга бориш, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий қабрини зиёрат қилиш насиб этмади. Бахтсиз ҳодиса синф раҳбаримизни бир неча ой тўшакка михлаб қўйди.

Орадан салкам ўн саккиз йил ўтгач ўша орзуга етдим. Куз фасли бўлишига қарамай зиёратчиларнинг кети узилмайди. Икки томондан оқиб тушаётган сувнинг тиниқлиги ва ширинлиги ўзига мафтун этади. Ҳамза мақбарасига чиқаверишда каттагина чойхона қуриляпти. Унинг олдида шоир ҳайкали қад кўтаради. Юқорида эса иш янада қизғин. Зиналар қайтадан ремонт қилинган, сағананинг атрофига мармар плиталар ётқизилган, шинамгина ҳовуз қурилган. Сағананинг орқа томонида эса мемориал комплекс барпо этиляпти. Ҳамма ишни юбилей арафасида ниҳоясига етказиш планлаштирилган. Музей қурилишида Фарғонадаги 11-қурилиш трестининг 8-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари меҳнат қилишаётган экан. Ушбу колоннанинг Сотволди Қурбонов ва Юрий Захаров бошлиқ бригада аъзолари ўзаро мусобақалашган ҳолда ишлашяпти. Сағанани ремонт қилиш ишлари ҳам ниҳоясига етай деб қолган — кўчиб кетган мармар плиталар янгиси билан қопланган. Унинг ичида шоир ҳоки. Салкам олтмиш йилдирки, у мангу уйқуда. Салкам олтмиш йил бурун у жаҳолатпарастлар қурбони бўлганди. Сағанага битилган шеърни ўқийман:

«Тузамиз янги турмушни,
замон ичра,
Абадий сўнгра яшармиз,
жаҳон ичра».

Ҳамза янги турмушни орзу қилди, уни куйлади, бу йўлда азиз жонини қурбон қилди.

Бир отахон ҳикояси

Одатда тоғли районларда куз эрта тушади. Шу жумладан Шоҳимардон тарафларда ҳам. Октябрь ойининг бошлари эди, кунлар анча салқинланиб қолган. Лекин ҳаво очиқ эди. Бу пайтда қуёш нури одамга ёқади. Комплексни айлангач пастга — чойхона томон тушаётиб зинадан сал нарироқда ўзини офтобда тоблаб ўтирган отахонга кўзимиз тушди. Яқин бориб салом бердик.

— Ваалайкум ассалом, — алик олди отахон. — Хуш кепсизлар.

— Раҳмат.

— Ўзингиз бардаммисиз? Уй ичларингиз яхши юришибдими?

— Шукр.

— Отахон, асли шу ерликмисиз?

— Нимани сўрамоқчи эканликларингни сезиб турибман. Фамилиям — Расулев, отим Бердиали, — таништирди ўзини бобо.—Шу ерликман. Саксон тўртга чиқдим. Ҳамзани биринчи марта кўрганимда йигирма ёшларда эдим. Келиб ҳаммамизни йиғди, колхоз ташкил этамиз, деди. У пайтда кўпчилик колхоз нималигини тушунмасдик. Ётиғи билан тушунтирди. Ариқлар қаздириб, сув келтирди. Жуда ғайратли одам эди, раҳматлик. «Ҳали бу ерларга келганларнинг кетгиси келмай қолади», дерди. Худди шундай бўлди. Қиш кунлари беш-ўн йигит йиғилиб қолсак, шеър айтарди, танбур чертарди — хуллас даврани қизитиб, ўтирганларни ўзига мафтун қилиб кетарди, шоир одам эди-да, ҳаммани бирдек кўрарди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Баҳор пайти эди. Бир куни қўш ҳайдаб даладан кечки пайт келсак, одамлар оғзида фақат бир сўз: «Ҳамзани ўлдириб қўйишди». Кишининг ишонгиси келмайди. Йўқ, ростдан ҳам душманлар шоирнинг бошига етишган экан. Ҳамза қирқ йилгина яшадию, жуда кўп иш қилиб кетди. Айниқса биз томонларга анча меҳнати сингди. Халқ буни асло унутмайди.

Отахон ҳақ гапни айтдилар. Халқ ўз фидойиларини унутмайди. Инқилобчи шоирнинг курашлари, интилишлари зое кетмади. У яна кўп иш қилиши мумкин эди, ғанимлар ёш умрига зомин бўлдилар. У оз яшади, жуда оз. Лекин ўзига тириклигидаёқ мангу ҳайкал қўйиб кетди.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.
Тошкент — Қўқон — Шоҳимардон — Тошкент.

⊙ СУРАТЛАРДА: 1. Ҳамза ташаббуси билан Шоҳимардон қишлоғида 1928 йилда ўрнатилган В. И. Ленин ҳайкали. 2. Ҳамза бир неча марта спектакль қўйган ва «Шарқ» кечалари ўтказган ҳамда оташин нутқлар сўзлаган Тошкентдаги «Колизей» (ҳозирги Свердлов номли) театри биноси. 2. Шоир Туркфронт штабида Шумилов ва Фрунзе билан.



«Оқшом»га хатлар

РОЛИГА МУНОСИБ БЎЛСИН

ЁКИ АКТЁР ФАОЛИЯТИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

Театр оламининг кўпгина етакчи актёрлари жисмоний машқлар муҳим аҳамиятга эгалиғини яхши билишади. Улар профессионал маҳоратларини ўстириш билан бирга жисмоний тарбияга ҳам жиддий эътибор беришади. Жисмоний тарбия ва спорт актёрнинг кундалик машғулотига айланиши зарур. Акробатика, гимнастика, енгил атлетика, қайиқда сузиш, шунингдек теннис, баскетбол, волейбол, қиличбозлик билан мунтазам шуғулланиб туриш актёрнинг саҳнада нафис ҳаракат қилишига катта ёрдам беради.

Улуғ рус драматурги А. Н. Островский театрга бағишланган мақоласида шундай деганди: «Кимда-ким ўзига одат бўлиб қолган имо-ишора ва ҳатти-ҳаракатлардан воз кечолмаса, у актёр эмас... Саҳнадаги актёрнинг юриш-туришини кузатар эканмиз, биз ҳеч қачон: «Қаранг, у нақадар яхши ўйнаяпти, лекин ёмон ҳаракат қиляпти», — дея олмаймиз. Агар у саҳнада ёмон ҳаракат қилар экан, шубҳасиз ролни ҳам ёмон ўйнаган бўлади. Айни вақтда, биз «Қаранг, актёр нақадар ёмон ўйнаяпти, лекин у яхши ҳаракат қиляпти», — дейдиган бўлсак, у ҳолда, актёрнинг нафис ҳаракатлари роль билан, образнинг ғоявий мазмуни билан мутлақо боғланмаган бўлади».

Кези келганда шуни айтиш керакки, саҳнага чиқадиган ҳар бир актёрда ўзига хос дилбарлик, жозиба ва гўзалликка хос хусусият бўлиши керак. У саҳнага чиққанда гўё вужудидан нур ёғилсин. Бундай ўзига хосликни халқимизнинг севимли актёрлари мисолида кўриш мумкин. Чунончи «Отелло»да Шариф Қаюмов яратган Кассио ролини олиб кўрайлик. У ҳарбийларга хос тартиб-интизомни, қилич ўйнатишдан тортиб, қадам босишгача ҳисобга олган. Актёр Кассио образини яратишда спорт билан тинмай шуғулланиб, қиличбозлик, гимнастика, енгил атлетика машқларини мунтазам бажариб борди. Натижада булар унга шуҳрат келтирди. Шунинг учун ҳам Кассиодек олижаноб кишининг Яго каби аблаҳнинг найранги билан ўз вазифасидан четланишига томошабин бефарқ қараб туролмайди. Актёр образ характерини очишда икки саҳнага алоҳида эътибор беради. Бири Кипрдаги тунги ичкиликбозлик ва маишатни тасвирловчи саҳнадир. Кассио ичкилик ичишни ман этади. Бироқ соддалиги туфайли Яго тўқиган найранг тўрига илинади. У амалидан кетганлиги учун эмас, балки ҳарбий интизомни бузгани, Отеллодек дўстини йўқотгани учун изтироб чекади. Кейинги саҳна — Дездемона билан учрашув эпизодидир. Кассио Дездемонадан ўз вазифасига қайта тикланишини илтимос қилаётган пайтда ҳам ич-ичидан эзилаётгани, ҳижолат тортаётгани сезилар эди. Буларнинг ҳаммаси актёрнинг ўз устида тинимсиз ишлаши туфайлидир. Ҳозирги вақтда ҳамма актёрлар ўз устида шундай ишлайди деб бўлмайди. Айниқса, область театрлари актёрлари саҳнада ўзларини қандай тутишни ҳам билмайдилар ва довдираб қоладилар. Масалан, томошабин қарсагига чиқиб таъзим қилишда улар кўпол хатоларга йўл қўйишади. Оддий ўзбек урф-одатларини бузиб кўрсатадилар. Ҳатто саҳнада етмиш яшар одамга ўхшаб туришади. Менимча буларнинг ҳаммаси жисмоний тарбия билан шуғулланмасликдан келиб чиқади.

Баъзи театрларимизда роль тақсимлашда жуда катта хатоликларга йўл қўйилмоқда. Кўпинча саҳналарда «севгилим», «фариштам» деган ҳаяжонли сўзларни эшитамиз. Саҳнада турган ўша «фариштa» шу қадар семириб кетганки, уни кўриб томошабин ихлоси қайтади. Шунинг учун ҳам у қизми, аёлми ё эркакми —қатъий назар бирор спорт тури билан мунтазам шуғулланиши, ёки ҳеч бўлмаса эрталаб жисмоний тарбия қилиб туриши, айниқса ўз вақтида овқатланишга амал қилиши шарт.

Демак, ҳар бир санъаткор аввало ўз соғлиги учун, иккинчидан, сермазмун ижоди ва саҳнадаги актёрлик фаолияти учун спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиши лозим.

Маҳкам ИСМОИЛОВ,
Тошкент Давлат Маданият институти актёрлик маҳорати кафедраси катта ўқитувчиси.

Маданият хабари

Деҳлига—кўргазмага

Фарғона политехника институти олимлари яратган контрол оптик электрон қурилмалар халқаро майдонга чиқмоқда. Уларнинг бири — пилланинг ҳажмига, қобиғининг қалинлиги ва сифатига қараб тез ва бехато навларга ажратадиган кичик ҳажмли датчик Ҳиндистон пойтахтида очиладиган «Совет ихтиролари» кўргазмасига юборилди.

Шу вақтга қадар пиллани қайта ишловчи корхоналарда кўп меҳнат талаб қиладиган бу операция икки усулда бажариларди: пилла қўлда, кўз билан чамалаб ҳамда механик тарзда навларга ажратиларди. Ҳар икки усул ҳам кам унумли бўлиб, кўп камчиликларга эга эди. Масалан, пиллани механик равишда навларга ажратиш натижасида кўпинча пилла қобиғининг шакли ўзгарар, бу эса толаларнинг узилишига олиб келарди.

Институтнинг техника фанлари доктори М. Муҳитдинов, техника фанлари кандидати Э. Мусаев ва катта илмий ходим Т. Бўтаевдан иборат илмий ходимлар группаси таклиф этган бу техника янгилиги ниҳоятда сезгир, фойдаланишда қулайдир. Битта шундай автомат саккиз ишчини бўшатиб олишга ва ипак хом ашёси сифатини анча яхшилашга имкон беради.

— Ҳорижда ўхшаши бўлмаган бу оптик электрон датчик дўст Ҳиндистон ипакчиларида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиздир, — деди ишланма раҳбари М. Муҳитдинов ЎзТАГ мухбирига.

Ҳар тўғрида

Даниядаги Раннерс шаҳрида истиқомат қилувчи 32 ёшли кишининг Копенгаген Каструп аэропортига Дания САС авиакомпаниясининг учишга тайёргарлик кўраётган самолётида бомба бор деб қўнғироқ қилганлиги қимматга тушадиган бўлди. Полиция «террорчи телефончи»нинг турган жойини тезда аниқлади ва қўлга туширди. Сўроқ пайтида у шунчаки... «беозор ҳазил» қилганлигини тан олди.

Ҳазилкаш қўйиб юборилди, бироқ энди уни суд ниши кутмоқда. У «Жамоат транспорт воситаларини тўхтатганлик» моддасига асосан айбланади, унда тўрт йилгача муддат билан қамоқ жазоси кўзда тутилган.

Айни вақтда унга САС авиакомпанияси кўрган зиённинг ўрнини қоплаш мажбурияти юкланади. Самолёт учиши уч соатга тўхтатилган, унда синчиклаб текшириш ўтказилган, бу эса компанияга тахминан 100 минг крона зарар келтирган. Беўй «ҳазилкаш» шунча миқдордаги маблағни тўлаши керак бўлади.

⊙

Буюк Британияда Бетховен классик музиканинг энг машҳур композиторидир. Британиядаги энг нуфузли концерт заллари репертуарларини ўрганиш шуни кўрсатди. Ўтган йили Бетховеннинг симфонияси 64 марта ижро этилди. Иккинчи ўринни асарлари 47 марта ижро этилган Моцарт, учинчи ўринни асарлари 27 марта ижро этилган Шуберт эгаллашди.

Энг машҳур классик музика композиторлари дастлабки ўнлигида ўринлар қўйидагича тақсимланди: Шостакович (22), Гайди (22), Дворжак (20), Чайковский (19), Малер (18), асарлари 14 мартадан ижро этилган Брамс ва Мендельсонлар ўнликнинг охиридан жой олишди.

Классик музиканинг конкрет асарлари орасида Дворжакнинг 9-симфонияси шубҳасиз биринчи ўриндадир. Мана тўққиз йилдирки Англияда бу асар бошқа асарларга қараганда тез-тез, яъни 11 марта ижро этилди.

РАЗОЛАТ

ёки қуролланган ҳамда уюшган жиноятчиларнинг қабиҳ қилмишлари хусусида

Ҳукм ўқилгандан сўнг

«Огонёк» журналининг ўтган йил 19-сонида Д. Лихановнинг «Қирол ўлди. Яшасин қирол!» сарлавҳали мақоласи босилган эди. Унда Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари Эдуард Алексеевич Дидаренконинг республикада уюшган жиноятчиликнинг кўпайиб бораётганлигидан ташвишланиб, СССР Ички ишлар министрлигига ёзган хати келтирилади. Хатда айтилишича, 1985 йилда Тошкент шаҳрида 20 га яқин жиноятчилар группаси мавжуд бўлган. Тошкент—областлар ва районлар группалари ўртасида бўлиб олинган. Министр ўринбосарининг бу хати қуролланган ва ўта хавфли жиноятчиларга қарши кураш бошланишига асос бўлди. СССР Ички ишлар министрининг буйруғи билан уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи бўлинмалар тузилди. Улар икки йил мобайнида икки мингга яқин тўдани тор-мор этиб, қабоҳат оламига кучли зарба берди.

Шу мақолада Анзаров —Қосимов тўдаси ҳам тилга олиб ўтилади. Бу тўда 64 та жиноят қилган. Улар милтиқ, тўппонча, пичоқ билан қуролланган эдилар. Жиноятчилар қўлида милиция формалари, рацияси ҳам бор эди...

Қора курсида ёш-ёш йигитлар ўтиришибди. Судья Абдусаттор Ниятов ҳикоя қилганидек, қора курсида ювош тортиб қолган бу йигитлар эркинликда бўридек ваҳший, тулкидек айёр, аммо бир-бирлари билан жуда иноқ эдилар. Энди, қарангки, айбларини бир-бирларига ағдаришга, сувдан қуруқ чиқишга уринишади. Лекин, ҳужжатлар, ашёвий далиллардан қутулиб бўлмайди.

Ҳа, ҳа, ҳужжатлар, далиллардан қочиб қутулиш қийин. У айбдорни қора курсига михлаб қўяди.

Мана ана шу қуролли группага бириккан жиноятчилар: Жамол Майсурадзе, Абдукарим Қосимов, Сидиқжон Хўжаев, Ойбек Хонбобоев, Марат Урумбоев, Ғайрат Шермуҳамедов, Абдумалик Азимов, Жума Раҳмонов, Мурод Шералиев, Али Наркаев, Шукрулло Мансуров, Баҳром Қодиров, Ҳасан Бойназаров, Газимжон Абдуллин, Шолазиз Шоғоипов, Рустам Раҳмонов, Эргаш Ҳасанхўжаев, Маъмуржон Тошпўлатов, Василь Сализанов, Камалиддин Габибов... Улар жуда кўпчилик. Қолганлари билан мақола давомида танишиб борасиз.

...Бирор ерда фойдали меҳнат билан шуғулланмаган Увайс Анзаров хаёлий орзу-ҳаваслар оғушида юради. Ишга бўйни ёл бермайди, аммо айшу-ишратга майли зўр. Бунинг учун эса жуда кўп пул керак эди. Нима қилиш керак!

Увайс Тошкентга келади ва жиноий группа тузади. Грузиялик фирибгар ўз атрофига Зиндаев, Нусратов, Иванов, Худойбердиев, Шералиев ва бошқаларни тўплайди. Анзаровда тўппонча, Нусратовда қирқма милтиқ, Қосимовда эса милиция формаси, Урумбоевда енгил автомашина... Қасам ичилди: ҳеч ким группа ишига хиёнат қилмаслиги, ўйиндан чиқмаслиги керак. Акс ҳолда у билан «хайрлашишади!».

Группа ишга тушади.

Увайс Анзаровнинг шериклари қилган ўғирликларни айтаверсак, тамом бўлмайди. Улар «объект»ни олдиндан белгилаб олишар, ярим кечаси дарвозадан ёки деразадан ичкарига кириб, ҳамма нарсани шип-шийдон қилиб кетишарди.

Бир куни Ғафуров ўз «ҳамкасб»ларига Калинин районидаги Калинин номли колхозда яшовчи М. Мирсаидовнинг бой-бадавлат яшашини, унда қимматбаҳо буюмлар ва пул кўплигини айтади. Келишилган куни Қосимов, Худойбердиев, Урумбоев, Ғафуровлар Миробиднинг 4610 сўмлик қимматбаҳо буюмларини ўғирлаб кетишади.

Группа бошлиғи Увайс Анзаров ўғирликни ўзига хос усулда амалга оширарди: қўлида тўппонча, ўзи ва шериклари юзларига капрон пайпоқдан ниқоб кийиб олишган. Улар «қурбон»ларини аввалига роса тепкилаб, «ишлов» беришади. Сўнг қатъий шарт қўйилади: «Ё бор буюмларинг, пулларингни ўртага қўй, ёки ҳаётинг билан хайрлашавер. Акс ҳолда оила аъзоларингни ҳам тинчитиб кетамиз». Рад жавоби олинган тақдирда Анзаров қотилликдан тап тортмасди.

...Ўша куни корандачилик билан шуғулланувчи К. Ким оила аъзолари билан дастурхон атрофида ўзаро гурунглашиб ўтирарди. Ҳеч ким беш-ўн минутдан сўнг рўй берадиган кўнгилсизликни хаёлига келтирмасди.

Ташқарида нимадир тарақлади. Занжирдаги итнинг жон-жаҳди билан ҳуригани эшитилди. Ким эндигина даҳлизга чиққан ҳам эдики, эшикдан беш киши кириб келди. Биттасининг қўлида тўппонча, юзларида ниқоб. Залварли мушт зарбидан Ким тўнтарилиб тушди. Увайс уни ёқасидан ғижимлаб ўзига тортди.

— Жонингдан умидинг бўлса, пулларингни чиқар. Акс ҳолда болаларинг билан ер тишлайсан...

— Булар кам. Мен сенга ҳаммасини олиб чиқ, дедим, — Увайс тўппончасини намойишона ўйнатди.

— Нега менга ишонмайсизлар, йигитлар. Бошқа пулим йўқ...

Жиноятчилар уй эгасини уриб йиқитишди, оёқ-қўлларини боғлашди. Биттаси дазмолни қизитди. Уй ичини куйган терининг бадбўй ҳиди тутиб кетди. Ким жон-жаҳди билан қичқириб юборди:

— Лиза!

Лиза номаълум кишилар қуршовида ерда ётган турмуш ўртоғига кўзи тушиб, аъзои баданига титроқ кирди. Қаршилик кўрсатиш, ёрдамга чақириш бефойда эди. Совуқ ялтираб турган тўппончадан ўқ отилмаслигига ҳеч ким кафолот беролмасди.

Ким хотинига илтимос қилди:

— Ҳаммасини олиб чиқ, ҳаммасини...

Лиза стол устига ташлаган 10 минг сўмлик 3 процентли давлат заёми, 3 минг 300 сўмлик тилла тақинчоқлар, Японияда ишлаб чиқарилган магнитофон ўғрилар ихтиёрига ўтди. Шундай қилиб, Увайс ва унинг шериклари К. Ким ҳамда унинг оила аъзоларига тегишли 121 минг 40 сўмлик буюмларни шилиб кетишди.

...Увайс анчадан бери ҳамтовоғи В. Лян билан ҳисоб-китобим бор, деб юрарди. Бир куни Увайс шериклари Хўжаев, Хонбобоевга «Лян билан овлоқроқ жойда суҳбатлашиш ниятидаман» деди. Шу мақсадда уни метронинг Собир Раҳимов станцияси олдига чақиришди. Машина рулида Увайс ўтирарди. Орқа ўриндиқда эса шериклари. Лян келгач, автомашина Калинин райони сари ғизиллаб кетди...

Тун. Ярим қадам наридаги нарса аранг кўринади. Машина енгил шабадада оҳиста чайқалаётган маккажўхоризор ёнида тўхтади. Увайс шерикларига қаради. Кўзлари қаҳрли эди.

— Сизлар кутиб турингнлар. Биз ҳозир келамиз...

Лян билан Увайс тун бағрига сингиб кетишди. Тўда бошлиғи кескин овозда ҳамроҳини тўхтатди:

— Ўзинг биласан, ҳазиллашмайман. Ё ҳозир тиз чўкиб, мендан узр сўрайсан ёки...

Лян тиз чўкмади. У ғира-ширада тўппончасини маҳкам чангаллаб турган Увайснинг ниятидан бехабар эди.

— Тиз чўк деяпман!

Лян тиз чўкмади. Ваҳшийлашган Увайс сўкиниб, унинг кўксини мўлжаллаб тепкини босди...

Увайс машина ёнига важоҳати бузилган ҳолда келди. Ўриндиққа оғир чўкди. Йигитлар нафасларини ичларига ютиб, тўда бошлиғига ваҳима аралаш тикилиб туришарди. Бироздан сўнг, у чўнтакларини пайпаслаб, ниманидир қидирди. Тополмади. Сўнг, Хонбобоевга буюрди:

— Чақмоғим Ляннинг ёнида тушиб қолибди. Бор, олиб кел.

Хонбобоевни ваҳима босди. У тумтайиб, аллақандай сирли кўринаётган атрофга бежо аланглади. Оёқлари борган сари оғирлашиб, қадам босиши қийинлашарди. Ана, Ляннинг жасади қорайиб, кўзга ташланди. Ойбек юраги дукиллаганча ўтларни пайпаслади. Шу пайт кимнингдир инграган овози эшитилди. Деярли югурганча орқасига қайтди.

— Ҳали тирикка ўхшайди, — Увайснинг оқаринқираган юзига тикилди, ич-ичидан хуруж қилиб келаётган титроқни босолмасдан.

Увайс қуролни унга тутқазди:

— Бор бутунлай тинчитиб кел!..

...Хоразмлик Бахтиёр Саидниёзов Тошкент Давлат университетининг юридик факультетида ўқирди. Йигитча сўнгги модада кийиниб юрарди. Қўлларида тилла узук, тилла соат. Қарангки, Увайс «агент»ларининг «назари» шу йигитчага тушди.

— Йигитчани ўз ҳолига қўйяйлик, — деди тўда бошлиғи. — Энг муҳими — уй адресини билиб олиш керак. Ана унда ошиғимиз олчи бўлади.

Кўҳна Урганч. Ярим кеча. Тошкентлик «меҳмон»лар тушган машина белгиланган дарвоза олдида тўхтади. Дарвоза очилиб, уй соҳиби Саидниёзов кўринди.

— Яхшимисиз, ёшулли. Биз Тошкентдан хизмат билан келдик. Милициядамиз...

Саидниёзов кутилмаган «меҳмон»ларни дарвоза ёнидаги хонага бошлади. Дастурхон тузаш ҳаракатига тушган эди, Қосимов уни тўхтатди:

— Овора бўлманг. Ишимиз шошилинч. Айтгандек, ўғлингиз Бахтиёр қаерда!...

Милиция «ходим»лари Саидниёзовга Бахтиёрнинг Тошкентда бир қизнинг номусига тегиб, яширинганлигини, уни қидириб келганликларини айтишди. Уй эгасининг оёқ-қўллари бўшашиб кетди. Қарангки, шу аснода хонага Бахтиёр кириб келди. У воқеани эшитгач, ҳаммасини рад қилди. Бўлажак юрист эмасми, қамоққа олиш учун прокурор санкцияси борми, деб сўради. Босқинчилар панларининг чиппакка чиққанлигини сезиб туришарди. «Шеф»нинг имосини сезган Иванов йигитга зарб билан мушт туширди. Анзаров тўппонча дастаси билан Саидниёзовнинг миясига урди. Хўжаев эса пўписа қилиб қўйиш мақсадида ёстиққа қараб ўқ узди. Қўрқишидан оғаёзган Саидниёзов яккаю ягона ўғлининг ҳаётидан хавфсираб, йиғиб қўйган бор пулини — 3 минг сўмни олиб чиқиб берди. Босқинчилардан бири уй соҳибаси бўйнидан тилла тақинчоғини юлиб олди.

Йўлга тушиш олдидан Анзаров огоҳлантирди:

— Биз кетяпмиз. Агар бирор жойга хабар қилгудек бўлсаларинг, — у тўппончасини ўйнатиб, Бахтиёрга имо қилди, — ўғилларингиз Тошкентда ўқийди, тинчитиб кетамиз.

Қаранг-а, қуролли босқинчилар қўлга тушгунларича Саидниёзовлар ҳам ҳеч қаерга хабар қилмадилар. Чунки, Анзаровлардан ҳамма нарсани кутиш мумкин эди. Унинг шериклари шаҳар бўйлаб изғиб юрар, устомонлик билан навбатдаги талончилик учун «объект» танлашарди. Тергов пайтидагина Хоразмдаги воқеа маълум бўлди.

Биз Анзаров тўдасининг барча жиноятларини қаламга олмадик. Улар шунчалик кўпки...

Тошкент шаҳар халқ суди судьяси Абдусаттор Ниятов раислигида Увайс Анзаров бошлиқ жиноий тўда ишини кўриб чиқди, ўнлаб жабрланувчилар, гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланди. Ниҳоят, ҳукм эълон қилинди: Анзаров 15 йилга, Хонбобоев 14 йилга, Хўжаев 12 йилга озодликдан маҳрум этилди. Тўданинг бошқа аъзолари ҳам қилмишларига яраша жазо олишди. Разолат ботқоғига ботганларнинг қисмати албатта шундай бўлиши керак!

...сон ҚОСИМОВ,
Тўхтмурод ТОШЕВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзолари.

Реклама ва эълонлар

В. Н. СИВЕЦ НОМИДАГИ АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИДА

28 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА

Таниқли актёрлар ва лирик хонандалар иштирокида

Катта концерт

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари, республикада хизмат кўрсатган артистлар: Лутфулла САЪДУЛЛАЕВ, Хайрулла САЪДИЕВ;

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: Исмоилжон ҒУЛОМОВ, Ҳусан НОСИРОВ;

«Парвоз» ашула ва рақс ансамбли хонандалари: Мансуржон МАМИРОВ, Маҳмуджон АЗИМОВ;

«Парвоз» ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари — Шарипжон ЖАНАЙДАРОВ.

Рақсларни саҳналаштирувчи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Насиба МАДРАҲИМОВА.

Концерт программасини Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Соат ШАРИПОВ олиб боради.

Билетлар Авиасозлар маданият саройи кассасида ҳар куни соат 14.00 дан сотилади.

Адрес: Лисунов кўчаси, 1-уй, Авиасозлар маданият саройи (Телефонлар: 96-79-70, 96-78-01).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

РСФСР КОРХОНАЛАРИ ВА ҚУРИЛИШЛАРИГА ИШЧИЛАРНИ

Ташкилий равишда ишга юборади

ЁЛҒИЗ ЭРКАК ВА АЁЛЛАРНИ:

Лихачёв номидаги Москва автомобиль заводига, Москва шаҳри.

6-Баррикада ишлаб чиқариш бирлашмасига, Волгоград шаҳри.

Волгоград трактор заводига, Волгоград шаҳри.

Туринск гугурт фабрикасига, Свердловск области, Туринск шаҳри.

Майкоп чизимча-арқон фабрикасига, Краснодар ўлкаси, Майкоп шаҳри.

Тула комбайн заводига, Тула шаҳри.

Урал вагонсозлик заводига, Свердловск области, Нижний Тагил шаҳри.

ҚУРИЛИШЛАРГА:

«Волгодонстрой» ишлаб чиқариш-қурилиш-монтаж бирлашмасига, Ростов области, Волгодонск шаҳри.

Ростов уйсозлик комбинатига, Ростов-Дон шаҳри.

Лучегорск монтаж бошқармасига, Дальэнергомонтаж тресты — Приморье ўлкаси, Лучегорск посёлкаси.

«Главамурстрой»нинг «Ерковецугольстрой» трестига, Амур области, Варваровка қишлоғи — Благовещенск шаҳридан 90 км.

«Главамурстрой» I-қурилиш-монтаж трестининг I- қурилиш бошқармасига, Амур области, Райчихинск шаҳри.

«Куйбишевгидрострой»га, Куйбишев области, Тольятти шаҳри.

МАВСУМИЙ ИШЛАРГА:

фақат эркаклар — меҳнат шартномаси муддати — 6 ой. Новоенисейск ёғочни қайта ишлаш комбинатига, Красноярск ўлкаси, Лесосибирск шаҳри.

«Томлеспром»га, Томск шаҳри.

Справкалар ва ишга йўлланмалар олиш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 64-уй ва район Советлари ижроия комитетлари ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш район бўлимлари.

Ҳузурбахш, тетиклантирувчи ичимлик

Пепси-кола чанқовбосди ичимликлар ичида энг харидоргири бўлса ажаб эмас. Уни ўзига хос таъми, хушбўй ҳиди учун яхши кўришади. Кўпириб турувчи, лаззатли пепси-кола айниқса совитилган ҳолда ҳузурбахшдир. У чанқовни яхши қондиради, тетиклантиради, руҳингизни кўтаради.

ПЕПСИ-КОЛА БАРЧА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.

ҚИБРАЙ ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР КОМБИНАТИ.

«Фарҳод ва Ширин» таклиф қилади

«ТАШТЕКСТИЛЬ-ШВЕЙТОРГ»нинг тошкентликларга ва пойтахт меҳмонларига яхши маълум бўлган метронинг М. Горький» станциясидаги 12-МАГАЗИНИ қисқа танаффусдан сўнг яна очилди.

ФАҚАТ ЭНДИ У «ФАРҲОД ВА ШИРИН» МАГАЗИНИ ДЕБ АТАЛАДИ.

Чиройли газ-нурли вивеска ана шундан гувоҳлик беради. Кўркам ва ўзига хос витриналар олисдан киши эътиборини ўзига жалб этади.

Магазиннинг ички томони чиройли чироқлар, кўзгулар билан безатилган. Янги магазин кенг, шинам ва кўркам қиёфа касб этган.

Магазиннинг ўзида ҳам ўзгаришлар бор. Савдо майдони анчагина кенгайиб, 480 квадрат метрни ташкил этди. Бу мавжуд товарларни кенг ва тўла намойиш этиш имконини беради. Залнинг тўғри планлаштирилгани ПАЛЬТО ВА КОСТЮМЛАРНИ, ПЛАЩЧ ВА КУРТКАЛАРНИ, КЎЙЛАК ВА ХАЛАТЛАРНИ, ЭРКАКЛАР КЎЙЛАГИ ВА ШИМИНИ алоҳида-алоҳида жойлаштириш имконини беради.

ГАЗЛАМАЛАР ЗАЛИ ассортиментининг ранг-баранглиги билан кўзни қувонтиради. СУНЪИЙ ВА ТАБИИЙ ШОЙИЛАР, ХОН-АТЛАСЛАР, КРЕПДЕШИН, ШИФОН, ЗИҒИРПОЯ ТОЛАСИДАН ТЎҚИЛГАН ГАЗЛАМАЛАР, ИП-ГАЗЛАМАЛАР кўргазмага қўйилган. Ҳар хил КЎРПА-ТЎШАК ЖИЛДЛАРИ бор.

Харидорлар барча товарларни ўз қўллари билан ушлаб кўришлари мумкин, улар ўз-ўзига хизмат усулида реализация қилинади. Бирор нарса харид қилишга қийналсангиз сотувчи-консультантлар ёрдам беришади.

«ФАРҲОД ВА ШИРИН — ЭРКАКЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТОВАРЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ЯНГИ МАГАЗИН.

Бу ердан харид қилган буюмларингиз сизга манзур бўлади, деб ишонамиз.

Магазиннинг адресини эслатамиз: Максим Горький проспекти, 54. Иш вақти — соат 10 дан 19 гача, танаффус соат 14 дан 15.00 гача, дам олиш куни — душанба.

Транспорт: 1 «э», 1, 24 «э», 63, 171-автобусларнинг «Метронинг М. Горький станцияси» бекати.

«ТАШТЕКСТИЛЬ-ШВЕЙТОРГ».

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

КАСБ ОРТИДАН — «КОСМОС»ГА!

17-25 ёшдаги ўрта маълумотли қизлар «Космос» мактаб-магазинида 6 ой ичида ажойиб касб эгаси бўлишлари мумкин.

Мактаб-магазинга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш даврида ойига 64 сўмгача стипендия тўланади.

Битирувчиларга кичик сотувчи малакаси берилади ва улар «Ташкультторг» магазинларидан бирида иш билан таъминланадилар.

Машғулотлар — группалар комплектланишига қараб бошланади.

«Космос» магазини адреси: Халқлар дўстлиги проспекти, 2-уй. Телефон: 45-06-70.

«Ташкультторг» адреси: Халқлар дўстлиги проспекти, 9-уй. Телефонлар: 77-36-89, 77-56-78.

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/I да **Кармен,** 18/I да **Дон Кихот,** 19/I да **Отелло.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/I да **Келинлар қўзғолони,** 18/I да **Отелло,** 19/I да **Ҳазрати аёл.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/I да **Рожа,** 18/I **Сўнмас аланга,** 19/I да **Тоҳир ва Зуҳра.**

Кино

17 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Москва — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (11, 15, 20.30); «ЖИНОЯТЧИЛАР УЮШМАСИ» (13.30, 17.30, 19.00).

Дружба — «ЖИНОЯТЧИЛАР УЮШМАСИ» (жуфт ва тоқ соатларда).

Чайка — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (16, 18.30, 21.00); «ЖОДУ ҚИЛИНГАН ИЛОНЛАР ВОДИЙСИ» (10.45, 12.30, 14.15).

Нукус — «ЖОДУ ҚИЛИНГАН ИЛОНЛАР ВОДИЙСИ» (10.45, 12.15); «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (14.30, 17, 19.15, 21.30).

ЎзССР 25 йиллиги — «ЯРАМАС КИШИ» (13, 17, 19.00).

Ватан — «УЧ МУШКЕТЕРЛАРДЕК» (11, 13.30); «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (16, 18.30, 20.45).

Лисунов номли — «ҚИММАТГА ТУШГАН ҲАЛОВАТ» (тоқ соатларда).

Восток — «УЧ МУШКЕТЕРЛАРДЕК» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Қозоғистон — «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (12, 15, 18, 21.00); «УЧ МУШКЕТЕРЛАРДЕК» (11, 14, 17, 20.00).

Искра — «ЯРАМАС КИШИ» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

Тошкент давлат циркида

(«Хадра» майдони)

21 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

«Денгиз ҳайвонлари» аттракциони

Оригинал дрессура.

Ҳайвон ўргатувчилар — ТАТЬЯНА ВА ВАСИЛИЙ ТИМЧЕНКОЛАР.

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Қишлоқ жойларда яшовчи томошабинларнинг буюртмалари навбатдан ташқари амалга оширилади.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг
3-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича
1989—1990 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

Ўқувчилар қабул қилади

Саноат ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, қўлда иш бажарувчи электр пайвандчи, фрезерчи, электр монтёр (электрмонтажчи), кенг профилдаги станокчи, техника назорати бўлимининг контролёри, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, нусха кўчирувчи-чизмакаш.

Ўқиш муддати — 1-3 йил.

ЎҚИШГА 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 3 йиллик таълим группаларини тамомлаган ўқувчиларга ўрта-ҳунар-техника билим юртини тамомлаганлик ҳақидаги диплом берилади.

8 синф маълумотидаги ўқувчилар ўқиш даврида бепул кўчалик ва ишчи кийимлари ҳамда уч маҳал овқат билан таъминланадилар. 10 синф маълумотидаги ўқувчилар эса стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртига Тошкент шаҳрида ва унга яқин районларда яшаб турувчи йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади ва улар билим юртини тамомлагач мажбурий ишлаб бериш стажисиз ўқишга кириш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Билим юртида техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик, фото тўгараклар, спорт секциялари ишлаб турибди. Ўқувчилар ёзги дам олиш вақтида Чорвоқ посёлкаси районидаги базада ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, саломатлик ҳақидаги справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 49-автобусларнинг «3-СПТУ» бекати). Телефонлар: 65-06-55, 65-06-54.

«ТашЭКС» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989-90 ўқув йили учун

универсал токарь, фрезерчи, газ-электр пайвандчи ихтисосликлари бўйича

қабул эълон қилади

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқишга Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган йигитлар ва 10-синф маълумотига эга бўлган қизлар қабул қилинади.

ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАРНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАДА ТУРИШИ ШАРТ.

Ўқувчилар ойига 100 сўм стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида уларга ишлаб топган маошининг 50 проценти берилади.

Билим юртида ўқишни олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимлари ёки тайёрлов курсларида ўқиш билан бирга қўшиб олиб бориш имконияти ҳам мавжуд.

Билим юртидаги ўқиш даври доимий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Қабул комиссияси ҳар куни, якшанбадан ташқари, соат 9 дан 17.00 гача ишлайди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: паспорт, маълумоти ҳақидаги аттестат, медицина справкаси, фотосуратлар.

Билим юрти адреси: 7000 51, Тошкент шаҳри, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбусларнинг «17-СПТУ» бекати, 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони бекати). Телефонлар: 68-57-08, 68-68-74.

Спорт



Совриндорлар

«Ёшлик» спорт аренасида енгил атлетика бўйича 1972-73 йилларда туғилган ўсмирлар ўртаида касаба союзлари Бутуниттифоқ кўнгилли физкультура ва спорт жамиятининг республика биринчилиги бўлиб ўтди. Бу биринчиликда Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон, Бухоро областлари ва Тошкент шаҳрининг вакиллари қатнашдилар. Қизлар ўртасида 60 метр масофага югуришда тошкентлик Лола Турсунова маррага биринчи бўлиб келди. 100 метра югуришда ҳамшаҳаримиз Татьяна Котельникова ғолиб чиқди. 200 метрга югуриша ҳам ундан ўзиб кетганини топилмади. 400 метрга югуришда эса яна бир вакилимиз Надя Захарова барча рақибларини орда қолдирди. Узоқ масофа — 800 ва 1500 метр масофаларга югуришда наманганлик Оксана Спиридоновага ҳеч ким етолмади.

Баландликка сакрашда андижонлик Оксна Никулина ғолиб чиқан бўлса, фарғоналик Юля Пугачева 5 метр узунликка сакраб биринчи ўринн эгаллади. Ядро улоқтиришда (11 метр 28 сантиметр) пойтахтлик Наталья Иванова ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди. Болалар ўртасида 60 метрга тўсиқлар оша югуришда Толиб Жумаев (Тошкент) биринчи ўринни галлади.

Баландликка сакрашда ҳамшаҳарларимиз А. Маланко (1 метр 80 сантиметр), узунликка сакраща эса М. Смирновлар (6 метр 20 сантиметр) ғолиб чиқишди. Уч ҳатлаб сакраща Андрей Скуридинга ҳеч ким бас келолмади. Александр Халилов 11 метру 56 сантиметр узоқликка дро улоқтириб рақибларини доғда қолдирди.

Ғолиблар Фахрий ёрлиқлар ва совғалар илан тақдирланишди.

Б. УМВОҚОВ,
О. МАХМАЮСУПОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; социал проблемалар — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32.54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади. Тиражи — 15.000.

Р. 09525. **Ички саҳифаларга 19.50 да қўл қўйилган. [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. А. 23 12.** **Индекс 64690.** 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10